



Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O'zingni angla!

№ 44 (554)

2007-yil

24-oktabr

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этмоқда.

Муштарийларимиз сафида бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 233

1996-yil dekabrden chiqa boshlagan → Chorshanba kunlari chiqadi → E-mail: hurriyat@mail.ru → http://www.hurriyat.uz

Ўзбек давлатчилиги:

ҚАДИМЛИКДАН БУЮКЛИК САРИ

Президентимизнинг аниқ-равшан кўрсатмалари ва шу асосда ташкил этилган илмий база ишимиз муваффақиятини таъминлади.



⇒ 3-бет

Беқарор бозор

Айтиш керакки, дунёнинг сўнгги ярим асрлик тарихида қора олтин баҳосининг бу қадар юқори нуқтага кўтарилгани кузатилмаган.



⇒ 5-бет

“Шоҳнома” нинг қалам ҳақи

Фирдавсийга Шахриёрнинг донолиги ва ҳиммати маъқул тушди. Маҳмудни бадном қилувчи ҳажвия шу йўсин барҳам топди.



⇒ 8-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттадил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-

да энг кам: иш ҳақи — ойига 18630 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 36900 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 18630 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 36900 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 22350 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб кўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган

↓ Давоми 2-бетда.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

«Мен биринчи марта овоз бераман»

Маълумки, жорий йилнинг 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Демократик давлат куриш йўлида дадил оидимлаётган юртимиз ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга ушбу воқеа сиёсий партиялар ва фуқароларимиз фаоллигини янада оширмоқда.



Миллий қонунчилигимизда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани кўрсатилган. Қонун талабига мувофиқ, 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқарога сайлаш ҳуқуқи берилган ва ҳар бир сайловчи бир овозга эга деб ҳисобланади.

Бу йилги президентлик сайлови мен учун катта аҳамият касб этади. Чунки овоз бериш ёшига етган фуқаро сифатида илк бор сайловда иштирок этаман. Мана шу ҳуқуққа эга бўлиш менга қувонч бағишлайди, шу билан бирга масъулият ҳиссини оширади. Бугун юртимизнинг улкан муваффақиятларга эришуви, ўзига хос миллий давлатчиликка эга бўлгани-

миз, инсонпарвар демократик жамият барпо этилаётгани, ҳар томонлама салохиятли баркамол авлод камол топаётгани — барчаси шак-шубҳасиз давлатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасидир. Президентимиз И. Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» китобида: «Биз ўз ҳақ-ҳуқуқларни танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак», деб таъкидлаган эди.

Шундай экан, бўлажак сайловда ўз мустақил фикрим, хоҳиш-иродамни эркин ифодалаб, мамлакатимизни юксак тараққиёт сари бошлайдиган муносиб номзодга овоз беришимга аминман.

Абдуннон АЛЛАНОВ,
Тошкент давлат юридик институти 1-курс талабаси.

Ҳар бир дарс — бир китоб



Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган, Халқ таълими вазирилик ҳузуридаги ижтимоий фанларга ихтисослашган мактабда ҳозирги пайтда 1074 нафар ўғлиқиз таҳсил оляпти. Бу ерда ўқувчиларга янги педагогик технологиялар, интерактив усулларда сабоқ бериш борасида жуда яхши тажриба тўпланган. Шунинг учун ҳам илм даргоҳидаги ҳамкасблари билан тажриба алмашиш, улардан ўрганиш мақсадида бу ма-

усулига эга бўлади. Улар орасидаги тажриба алмашуви эса ёш авлодининг янада пухта билим олишига хизмат қилади. Бу ерда ўрганганларимни мен ҳам ўз иш жараёнимга татбиқ этсам, яхши самара беради, деб ўйлайман.

Мактаб ютуқларининг ўзига хос “сир”и ҳақида илм даргоҳи раҳбари, мактаб директори Муҳтабар Мараимова шундай дейди:

— Бизда ҳар бир бола устида индивидуал ишланади. Уларда мустақил фикрнинг шаклланишига катта эътибор қаратилади. Ўқитувчиларимиз дарс вақтида барча ўқувчиларни фаол қатнашишга, ўз устида ишлашга қорлайдиган, рағбатлантирадиган воситалардан кўпроқ фойдаланишади. Энг муҳими, ҳар бир дарс бошқаларини такрорлашга қарамай, керак, деган қоидага ўқитувчиларимиз қатъий амал қилишади.

Биз мактабга борган кунни она тилимизга давлат тили мақоми берилганининг 18 йиллик байрами кенг нишонланаётган экан. Ўқувчиларнинг ўзини туттиши-ю бийронбийрон сўзлаши, тайёрлаган саҳна кўринишлари юқорида айтилган фикрларни исботлаб турарди.

Аброр ШАМСИЕВ
Суратда: мактаб ўқитувчиси Фароғат Амирова. Козим Ўлмасов олган сурат.

Эртага — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни

Қилинган хизматнинг, меҳнатнинг оғир-енгиллигини тарозига солиб тортиб бўлмайди. Улар солиштирилганда, қиёсланганда аён бўлади. Шунинг учун Ички ишлар идоралари ходимларининг элга, юртга Ватанга қилаётган хизматини ҳам соҳалар билан қиёслаб, солиштириб кўрилса, соҳа вакилларининг иши нечоғлик захматли эканлигини ҳис қилиш мумкин.

Осойишталик посбонлари

Зеро, бугунги ички ишлар ходими кечаги милиция эмас. Аввалги милициядан болалар кўрқарди, катталар чўчирди. Бугунги ички ишлар ходимларидан улар кўрқмайди.

Чунки бугунги ички ишлар ходимлари — шу халқ орасидан чиққан одамлар. Шунинг учун халқ орасида юриб, элига, элдошларига хизмат қилаяпти. Уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилаяпти.

Шу мақсад йўлида кези келганда уйқудан, ҳузур-ҳаловатдан ва роҳат-фароғатдан, оға-иниларининг тўй-маъракасида, зарур бўлса, жонидан ҳам кечади.

Ватан хизмати — шу Ватанда яшаётган ҳаммага бирдай тегишли. Шу Ватан барчамизники, унинг ютуғу муваффақиятлари билан бирга, муаммо ва ташвишлари ҳам бизники. Шундай экан, Ватан хизматида бахшида умр, қўшилган улкан ҳисса, шижоатли ва залворли меҳнат ватанпарварлик белгиси.

Юқорида айтганимиздек, милиция бугун Ватан хизматчиси. У ҳамма касб соҳиби. ҚИРҚ ХУНАР ЭГАСИ.

Яна шуни унутмаслик керакки, ички ишлар ходимларининг вазифаси қонунчилик бузилишини олдини олиш, тартибни сақлаш ҳам ҳисобланади. Мустақил бўлганимизга ўн олти йил бўлди. Байрам арафасида Президентимиз «Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли» деб номланган маърузасида мустақилликнинг оғир кунларини ҳам бирма бир эсга олдилар.


Президентимиз айтганларидек, «Ҳеч бир соҳани камситмаган ҳолда, шуни очик айтиш керакки, ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан мардлик, матонат каби фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдида содиқлики талаб этади». Шундай экан, юртимиздаги кўп миң сонли осойишталик посбонларини — Ички ишлар идоралари ходимлари куни билан кутлаб, ҳаммаша соғ-омон бўлинг, хушёрлик ва зуққолик ҳеч қачон Сизларни тарқ этмасин, деймиз.

Бугунги ички ишлар ходимлари халқ орасига кириб, халқ дарди ва ташвишларига шерик бўлиб, яхши ёмон кунларда маҳалладошларнинг ёнида турибди. Президентимиз томонидан берилган юксак баҳони муносиб хизмати билан оқлашга интилоқда.

Шухрат РЎЗИЕВ,
подполковник.

Диққат, танлов!

«Менинг Конституциям»



Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлари орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат Асосий Қонунининг ўрганилиши жараёни мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўрта-сида эълон қилган «Менинг Конституциям» танлови давом этади.

Танлов йўналишлари

Танлов куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
— энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж)
— энг яхши интервью;
— энг яхши фоторепортаж.

Танлов шартлари

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Асосий Қонунни ўрга-

ниш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинадиган муаммолар таҳлилий ва ташкилий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади. Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва коғоз нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга онд) маълумотлар илова қилинади.

↓ Давоми 2-бетда.

«Юлдузларга осмон бўлган, эй нурли тупроқ...»

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Дийдор

Ота уйимизда ёзу куз, баҳор,
Ака-укалару опа-сингиллар,
Тўпланган пайтлари такрор ва такрор,
Порлагандай бўлар ўнлаб қандиллар.



Қуюқ хотиралар пиёласидан
Эсдаликлар ичиб ўтирар онам.
Дийдору шодликлар шалоласидан
Барча хандон бунда,
Дўсту ёрон жам.

Тиниб қолгандайин гўё атайин
Ёғоч сўримизнинг тепасида ой.
У ҳам совуб борар тун ўтган сайин,
Мисли бир пиёла тўла сариқ чой.

Баҳор келаверсин такрор ва такрор,
Бизнинг тонгимизни ғариб шом қилма.
Давом этаверсин ҳаёт ва дийдор,
Худо, шу дамларни паришон қилма.

«Hurriyat» газетаси вакили
Маъмур Умаровнинг «Юлдузларга осмон бўлган, эй нурли тупроқ...» деган сароҳатли қиссага баъзан
маъмур Умаровнинг «Юлдузларга осмон бўлган, эй нурли тупроқ...»

Сирожиддин Сайид
15.10.2007

8-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Давоми. Бошланиши
1-бетда.

энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар,

стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия

жамғармаси ҳисобидан амалга ошириلسин.

6. Ҳўжалик ҳисобидаги қорхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан ҳўжалик юритувчи субъектлар зим-

масига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 16 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатлариغا ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 октябр

Муносабат

Ўзбек, туркман — дўст азалдан

Саховатли куз ўзбек ва туркман халқларининг тарихий ватанларига бир хил тароват билан ташриф буюради. Зеро, юртларимизнинг табияти ҳам, ўтмиши ва бугуни ҳам ўхшаш, ҳаммаҳанг.

Шу йил 18-19 октябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Туркменистонда давлат ташрифи билан бўлиши бу қадим ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади. Расмий сафар туғишган ва қон-қардош оғаниларнинг дийдорлашуви сингари меҳрли ва самимий ўтди. Шубҳасиз, имзоланган кўлаб ҳужжатлар халқларимиз порлоқ келажаги йўлида хизмат қилади.



Ўзбекистон замини бой тарихи ва улкан салоҳияти билан азалдан Марказий Осиё ҳудудида етакчи мавқеда бўлиб келган. Энг қийин дамларда бу заминдан одамлар ўзларига бошпана топганлар, ўзбек халқи ризқ-насибасини улар билан баҳам кўрган, бошпана берган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда 140 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб, бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланишмоқда. Юртобшамининг алоҳида ғамхўрлиги билан байналмилал миллий марказларнинг ташкил этилиши ва улар фаолиятига жиддий эътибор ҳар бир миллат ва элат вакилининг эркин ва озод фаолият кўрсатишига кўмаклашмоқда. Жумладан, республика Туркман маданият марка-

зи ҳам икки халқ маданиятини яқинлаштириш ва бойитиш йўлида кўлаб тадбирларни амалга оширмоқда. Бизнинг Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари марказида, Тошкент ва Тўртқўл шаҳарларида ташкил этилган филиалларимизда халқларимизга хос тарихий байрамларни нишонлаш, мустақил давлатларимиз қадриятларини улуғлашга қаратилган фестиваллар, маданият кунлари тез-тез бўлиб туради. Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётган туркман зиёлиларининг кўлаб вакиллари — композитор Чори Пўлатов, артист Ҳўлиддин Муханов, шифокор Урун Аведурдиев ва бошқалар куёшли юртимизнинг келажаги учун ўз куч-

гайратларини аямаяптилар. Мухтарам Юртбошимиз Ашхобода бўлганларида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган туркманлар шаънига илиқ гаплар айтдиларки, бу ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз қувонч уйғотди.

Туркменистон давлати Президент Ислам Каримовни «Хўрматли эл эшуглиси» унвони билан тақдирлади. Бундай юксак шараф жуда кам кишиларга насиб этган. Ана шунда ҳам чуқур маъно бор. Бу икки халқ абадий дўстлигининг яна ҳам гуллаб-яшнаши ва камол топишига заминдир. Зеро, азалдан қон-қардош ва туғишган ўзбек, туркман халқлари ёқма-ёқ яшаб, бугун ёруғ келажак сари мустақам ишонч билан бўришмоқда. Бу йўлда халқларимиз ўртасидаги дўстлик юксак самаралар бериши шубҳасиз.

Оразмурод ҚУРБОНОВ,
республика Туркман маданият маркази раиси,
«Дўстлик» ордени соҳиб.

Туман газетаси ва муассис

Маънавият масалалари бугун оммавий ахборот воситалари фаолиятида долзарб мавзу. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қарорда таъкидланганидек, юртдошларимизни бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-муҳаббат муҳитини мустақамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурлар амалга ошириляпти.

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани аҳолиси 20 га яқин миллат вакиллари билан иборат. Уларнинг бунёдкорлик меҳнати, тинч-осуда турмуши тумандаги «Суръат — Қарқин» хафталик ижтимоий-сиёсий газетаси саҳифаларида кенг ёритилмоқда. Шу мақсадда ҳар соннинг 3-саҳифасидаги материаллар қозоқ тилида босилляпти. Уларда бағрикенглик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик туфайли мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча жаҳаларида қўлга киритилган ютуқ ва юксалишлар алоҳида кўтаринкилик билан тараннум этилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги туманда асосий йўналиш. Бу соҳани ёритувчи материаллар «Шу куннинг гапи», «Долзарб вазифа» рунклари билан босилмоқда. «Ҳаммаимизнинг бурчимиз», «Бугунги ҳаракат — эртанги баракат», «Ҳозирнинг бир кунини йилга татийди», «Ризқингизни ёқмангиз», «Бепарволлик берилиб бўлмайди», «Мавсум масъулияти», «Вақт кутиб турмайди» материалларида тумандаги у ёки бу қишлоқ ҳўжалик ишларининг бориши атрофларида таҳлил қилиб берилган.

Қонунчилик янгиланган амалдаги фармон, қарорларнинг ижроси тўғрисидаги материаллар «Фармонни ўқиб», «Инсон ва қонун», «Қарор ва ижро», «Жинойят ва жазо», «Хуқуқий сабоқлар» каби доимий рунқлар остида босилмоқда.

Туман кенгашининг 2006 йил 29 декабрда бўлиб ўтган сессияси 2007 йил 1 январдан, бошқа сессия ҳисоботлари ҳам ўз вақтида босилган. Депутатларнинг маънавий-маърифий ишлардаги фаолияти тўғрисидаги материаллар газета саҳифаларида «Депутат ва ҳаёт» рунки остида ёритиб бориляпти.

2006 йилнинг май-июнь ойида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини» райиси (окоқоёқ) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги Қонуни асосида биринчи марта ўтган сайловлар газета саҳифаларида кенг ёритилган. Янги лавозимдаги маслаҳатчиларнинг иш тажрибаси, умуман қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар фаолияти тўғрисида материаллар янада кўпайтирилса, айни муддао бўларди.

Газета муассисаси — туман ҳокимлиги. Муассис ва таҳририят ўзаро муносабатларини Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири) асосида олиб боришляпти. Газета таҳририяти тўғрисидаги низом тасдиқланган. Муассис ва таҳририят ўртасида шартнома тузилган. Низомга амал қилиш ва шартноманинг бажарилишини томонлар назорат қилиб боришляпти.

Ютуқларни эътироф этиш билан бирга айтиб ўтиш керакки, халқ депутатлари туман кенгашининг сессияси материалларини ҳам газетада кечкиб бериш ҳоллари учрайди. Масалан, ўтган йилнинг 10 февралда бўлган сессия ҳақидаги хабар 18 февралда босилган. Ваҳоланки, орада газетанинг бир сони чиққан эди.

2007 йил 1 январь сонига эътиборни қаратинг. Биринчи саҳифанинг юқори қисми «Янги йилнингиз кутлуг бўлсин!» умумий сарлавҳаси билан бошланган. Ажабланарлиси, бир йил олдинги сарлавҳа-ю унинг тагида газета чиққан сана «1 январь 2006 йил» айнан такрорланган. Хайриятки, газетанинг 2-, 3-, 4-бетларида газетанинг ҳақиқий чиққан куни — «1 январь 2007 йил» тўғри кўрсатилибди.

2006 йил давомиди ва шу йилнинг 9 ойида газета танқидидан кейин қурилган чоралар ҳақида «Бизга жавоб берадилар», «Материалларимиз изидан», «Хат босилмасам ҳам тадбирлар белгиланди» ёки шунга ўхшаш кўринишларда бирорта ҳам хабар ёритилмаган.

Таҳририят шу вақтгача компьютер марказига эга эмас. Газета материаллари Тўйтабегали босмахонада компьютерда териблиб, шу ерда саҳифаланади ҳамда чоп этилмоқда. Ўтган йили газетанинг 52 та ўрнига 49 сони чиққан.

Шу йилнинг бошида «Хуррият»да ўрта Чирчиқ тумани «Машва» газетасининг бош муҳаррири, таъкил шоир Хамид Норқуллов «Туман газетасида ишлаш осонми?» сарлавҳали мулоҳазалари билан мунозарани бошлаб берганди. Кўлаб журналистлар унда кўтарилган масалаларга газета орқали ўз муносабатини билдиришди. Кимдир «Туман газетаси керакми?» деса, бошқаси «Йўлаб кўриш керак» деган фикрда.

Назаримизда, чиндан ҳам туман газетасининг юқори оғир, ходимларининг нони қаттиқ. У қишлоқда оммага энг яқин турган ягона матбуот бўғинидир. Туман ҳаётининг барча жаҳаларини ёритиб бориш унинг зиммасида. Шу боисдан у жуда ҳам зарур.

Хулоса қилиб айтганда, икки туман газетасининг 2006 йил ва шу йилнинг 9 ойидаги фаолиятини ўрганиш жараёнида ишни тўғри ташкил этиш муассис ва таҳририят ўртасидаги ҳамкорликка, қолаверса, муассисларнинг ўз нашларига муносабатини қай даражадалигига ҳам кўп нарса боғлиқ эканлигига гувоҳ бўдик.

Мухаммад ОТАҚУЛОВ,
журналист

Эссе

— Назар ёки Бозор муаллимлар (уларни Ҳақ ўз раҳматига олган бўлсин) дан биринчи синфга кириб ол. Эсингда бўлсин, улар жуда меҳрибон одамлар. Шўхлик қилсанг ҳам, ўтган дарсини айтиб беролмасанг ҳам уришмайди. Кўпинча ўқисан болаларни қўшиқ айтиб бериб юпатадилар. Зинҳор Гулнора доманининг ўқувчиси бўла кўрма! Қачон қарама қўлида узун ола таёқ билан синфга қиради. Бошинга тушириб қолса борми? Қандай бўлмасин Бозор муаллимнинг, ё бўлмас Назар муаллимнинг синфига ўтиб олиш пайида бўл...

Аваллига меҳрибон опаларимнинг маслаҳатига кўра Бозор муаллимнинг ўқувчиси бўдик. Аммо, тақдир эканим, ҳар танаффусга чиққанамда ўз синфхонамни топа олма, ўша қаттиққўл Гулнора она (Аллоҳ бу устозимни ҳам раҳматига олган бўлсин) нинг 1 "в" синфига кириб бораверибман. Охири, Гулнора она «Сен адашишдан чарчамадинг, мен эса синфнинг охири бўлишимдан чарчадим. Бўлди, етар энди менинг ўқувчим бўласан. Қани, биринчи партадаги бўш жойга ўтир-чи!» дея амр этди. Шу-шу Шеробод туманидаги 17-ўрта мактаб муаллимаси Гулнора Рўзиеванинг 1 "в" синфига қилиб кетдик. Аввалига муаллимнинг қўлидаги «ола-булла таёқ»ни кўриб юрагим «шув» этди. Аммо, энди кеч бўлганди. Менинг жисму жоним, келажаким ўша «ола таёқли сардор аёлнинг кемасида қилиб кетган» эди. Хартугул узоқ вақт эҳтиёт бўлиб юрганамга қарамай ўша «ола таёқ» бирор марта ҳам на тақир бошимга, на шалпан қўлоқларимга тушди. Аксинча, мен ўша темир интизомли ва жонқуяр муаллимнинг аёличи ўқувчиларидан бирига айланган эдим. Биринчи муаллиманимни сўнгги бор 2004 йилда — синфдошларимиз билан мактабни битирганимизга йилгирма йил тўлган кунни учрашув базмида қўрган эканман. Ўшанда устоз билан сўнгги бор учрашиб турганимиздан беҳабар эдик. Ўшанда опа мендан бир масалада ёрдам сўраганди.

Ижарага полиз эганим ўғлининг пайкаллари ҳокимият вакиллари «раис билан тузган шартномамни тан олмаймиз!» дея арзимаган сабаб билан буздириб ташлаган экан. Бўлар иш бўлган эди. Салла сўраса каллини қўшиб оладиган «тузалар» қилар ишини қилган, каттагина харажатга қўйган аёлни юпатамоққа тузук сўз топа олма! «Ўғлингиз таҳририятга ариза ёзиб келсин...» дея олдим, холос. Орадан кўп ўтмай, муаллимнинг бевақт оламдан ўтганини эшитиб, қаттиқ изтироқ чекдим.

Айни чоғ ушбу хотираларни ёзаётганда муаллимнинг айтилган қўлган сўзларим мени умрбод қийнайдигандек туюлмоқда. «Дунёнинг ҳеч бир манзилда сиз каби ўз ўқувчиларига меҳрибон муаллима бўлмас керак. Сиз ҳаммадан яхши эдингиз, ҳар бир ўғлингиз қалбимда, оламиз каби меҳрибон чеҳрангиз кўз ўнгимизда...

Иқбол ТАНҒИБЕРДИ

Давоми. Бошланиши
1-бетда.

«Менинг Конституциям»

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган «Менинг Конституциям» танловига рункида танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Танловни ўтказиш тартиби

Танлов анъанавий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунни арафасида эълон қилинади ва бир йил давом этади. Танлов голиблари келгуси йил Конституция байрами арафасида аниқлиб тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакиллари билан иборат инфузали ҳайбат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Голибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, аниқлик ва ўзига ҳослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов голибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов голиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўришидаги маълумотлар «Менинг Конституциям» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 20 ноярга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади.


Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй. 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 144-16-15 www.mmf.uz. e-mail: mmf@uzpak.uz

Ташкилий кўмита

Сиз ҳаммадан яхши эдингиз

«Устоз», «муаллим» деган улғу номларни эшитганда етмиш икки томирим соғинчу ифтихордан алланечук титраб кетади. Бола тасаввуримизда абадий муҳрланиб қолган ўша мушфик, меҳрибону жонсарак муаллимимиз шунчаки бир охира эмас, балки мурғак шууримиз идрок эта олмайдиган илоҳий бир дунё билан биз — йигирма уч нафар етти ёшли гўдакларнинг ҳаёт-маматимиз ўртасида гўё буюк воситачидек эди. Кейинчалик синоатларга тула, серғавго ва айни чоғда мафтункор ҳаётнинг пасту бандан йўллариди турфа хил устозларни кўп ва хўп учратдик. Улардан қай бири бизга касбу ҳўнарни ардоқламоқни, яна қайсилари кимёю жүррофиядан сабоқ берди. Хаттоки синалмаган дўсту ганим учраганда асқотадиган дипломатия деган илмни-да ўргатганлари ҳам бўлиди. Ҳеч шубҳасиз дўсту ҳамкор орттироққа, қаттиқроқ йиқилганда ҳам йиғилмасдан оёққа турмоқ ва вужуду кўнгилда пайдо бўлган гурурлар жароҳатларни кишилардан пинҳон тутмоққа кейинги устозлардан олган сабоқларнинг анчамунча асқотгани рост.

Бирок, уларнинг ҳеч бири ҳам (минг бор уэр) негадир, менинг назаримда ўша биринчи муаллимим, одмитгина либос кийган, бир қадар қаттиққўл айни дамда ғамхўр ва меҳрибон аёл каби ўчмас меҳр беролган эмас. Қайсидир таникли адибнинг талқинида ўқиганим бор. Ёзувчи ўз муаллимини қуйидан баяндади ва қарқор ерларга ҳову-ҳову чой-ҳаёт узатаётган чархпалакка менгзаиди. Бироз дарҳақ бўлса-да, гоят ўрнини қийс эди бу! Дарҳақикат чархпалак чўмичларидан новга тўкилган «сув» — шогирдинг чўлу саҳроларга тириклик мўждасини етказмоқ учун ошқар экан, ортига, яъни ўзини пастандан юксакка кўтариб олиб чиққан устозга — яъни «Чархпалак»қа қайрилиб назар ташлашга гоҳида ўзида рағбат тополмайди ҳам. Чархпалак азалий қисмат битигини бахт деб билган муаллим янглиғ вазмин айланши асносида бемақсад ҳайқириб оқаётган асов дарё бағридан ўз чўмичига сиққанча сув олиб чиқиб яна баланддаги новга қуваеради. Янги жилга, янги ҳаёт йўли барпо этаверади. Бунинг учун жонинсору ҳўқисор муаллим ҳеч қимдан мукофоту манфаат таъма қилмайди. Аслида унга мана шу заҳматли ишининг ўзи ҳўзур қаловат беради. Базми-базмида ўзим гоҳо лаззат, гоҳо шону шараф деб билган касб-қорнинг сурҳўсурларидан торикқан кезалирида буюк шонимизнинг ўтли, андуҳли сатрларида муҳрланган ўша «Йиллар армони» дилмига санчик бўлиб ботаверади. Одам бўлиб ҳечқурса ўша муаллимга ўн қатор ташаккур мактуби битмабман ҳам. Ўзига рубурў келиб қолганимда эса саломлашиш, рўзгори, невараларининг



соғлигини сўраш билан қифолланибман, холос. Бу норасолик ёки худбинликдан эмас. Эҳтимол салкам қирққа кириб ҳам ўша берган сабоқлари самарасини қаттиқ сўрайдиغان одми ва интизомпарвар муаллимим олдида ўйинқароқ боладек довдираб қолишимдан бўлса керак. Тан олмақ керакки, биз ўзбек фарзандлари меҳр-муҳаббат изхорию такаллуфни урф-одати, турмуш тарзи ўзимизникига ўхшаш базми қардошларимиз каби қўйилмамоқ қила олмаймиз. Балки бу соғинч, бу муҳаббат қалбимизда пинҳон яшайди. Балки ана шу «нўноқлигимиз» боим ҳам, мутаассиблар ҳатто илоҳий свғи борасида ҳам бизлардан устунликка даъво қилдилар. Ана шундай ташбеҳ тақаллуфда ношудлик сабаб, кўп ва хўп изхорларим юрак қарийда қилиб кетган... Ҳарбий хизматда Евгений Биков деган ўрис ўртоғим бўлгич эди. Батальонимизда улфатчиликка, даврадошликка мойил турфа миллатли бўйсиналар кўп эди-ю, лекин ўша Жена лақабли ўрис йигити одамоҳунлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Ҳар нарсига қизиқувчан Женияс тушмағур тўю маърақаларимиз, ҳатто мактабларимизда йигитларди қизлар муносабатига сўраб-суриштирарди. Кейинчалик билсам, ўзидан икки ёш катта олмаси беш йилча илгари ўзбек аскар йигити билан севишиб, аҳду паймон қилиб Хоразм томонларга келин бўлиб тушиб кетган экан. Иркутск вилоятида педбилим юртини тутган ўша мовийқў сулув келинчек қишлоқ мактабиди ўзбек болаларига рус тилидан дарс бера бошлабди. Орадан бир ярим йил вақт ўтиб, ўзига мусофир келин қисматини раво кўрган қайсар қизларидан хабар олгани борган ота-онага аввало беғона жойларнинг ўта иссиқ иклими ёқмабди. Қолаверса, дини, миллати урф-одатлари ёт бўлган юрда эрка

қизларини қолдиргилари келмай, уни ўзлари билан олиб кетмоқчи бўлибдилар. Бахтидан, касби-қоридан ёлчиган ўрис қизи эса ота-онасига қатий оҳангди: «Энди менинг оилам ҳам, элим ҳам, юртим ҳам шу ер, агар яна бир марта уйимга мана шундай совуқ тақлиф билан келсаларингиз сизлардан умрбод хафа бўламан!» дея жавоб қайтарибди. Қалтаўй ота-она ўзларининг бақчана ғамхўрлигиндан мулзам бўлиб қайтиб кетишибди. Женянинг туғишган олмаси ҳақидаги содда ва жўн хикояси ҳайратомуз даражада таъсирчан эди.

— Ҳўш, опангни мусофир юрт билан бунчалар қаттиқ боғлаган ришта нима ўзи? Ҳаётда бугун севишиб, қасамлар ичиб, эртага эвди бўлмагандай ажралишиб кетаётганлар кам дейсанми? Евгений жавоб ўрнида опасидан келган мактубдан ўзи белгилаб қўйган бир неча жумлани ўқиб берди: «Мени ўзбекларнинг ўз фарзандларини ўқитаётган оддий муаллимга азбаройи чуқур ихлос билан қарашлар лол қолдирди. Хатто мактабни битириб кетган собиқ ўқувчилар уларнинг ота-оналари ҳам тўй-ҳашамларда обдон ҳўрмат-ўззатининг жойига қўйдилар. Ўзим раҳбар бўлган синф ўқувчиларини айтмайсизми? Тўғриси, ўзим устоз бўлсам ҳам меҳр-муҳаббат, ҳўрмат нима эканлигини айна шунда гўдаклардан ўргандим. Қайнота-қайнонам ҳам «келин», қайнисингиларим «яна», ўқувчиларим эса «устоз!» дея ўзгача ҳўрмат билан муржоат қилишди. Ўзимиздаги каби исм-шарифим билан «Фалончевна!» дея совуқ оҳангда қақиримайди. Бу ерларда ўзимни сира ҳам беғона, мусофир сезмайман. Аксинча, ўзининг атрофидидагиларга кераклик, анчанинг бир улғу одамдек ҳис этаркансан, қиши».


Ўшанда олос-олислардан ҳам тафтини йўқотмай етиб келган мактуб сатрларини ўқир экан, опасини соғиниб кетган Евгенийнинг қўзларида ёш халқалар, қифлар титроқдан силкиниб-силкиниб кетарди. Муаллимлик қалб чашмаси кўз очмаган қай бир кишилар наздида шунчаки кампосанд касб саналар, лекин унинг улғувор фазилатини кўрингки, қимлардан мана шу буюк касб воситасида ота-онасининг иссиқ бағридан неча миң километр олсидига ўзга юртга келиб, муслималик ҳаётини ихтиёр этмоқда.

Етти ёшга тўлиб мактаб тараддудини кўраётганимда меҳрибон опаларимнинг бири қўйиб бири қаттиқ тайинларди:

Ўзбек давлатчилиги: ҚАДИМЛИКДАН БУЮКЛИК САРИ

Шу йил энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг фан-техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида 2007 йилги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида»ги Фармони билан мамлакатимиз илм-фани ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Ватанимиз тарихи ва маданиятининг билимдон олимларидан бири, академик Эдвард Васильевич Ртвеладзе «Марказий Осиё тарихи ва маданият тарихи» мавзусидаги ишлар туркуми учун иккинчи даражали Давлат мукофоти билан тақдирланди. Биз у кишини юксак мукофот билан қутлаш баробарида айни кунлардаги илмий ишлари ҳақида ҳам сўрадик.

— Президентимиз 1998 йил тарихчи олимларни йиғиб, бир қатор долзарб саволларни ўртага ташлаган эди, — дейди сўхбатдошимиз. — Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш, унинг шаклланиш босқичларини аниқлаш дозимлигини таъкидлаганди. Шу мақсадда махсус илмий гуруҳ тузилиб, зимма-зимма мазкур масалаларни мукамал ва ҳаққоний ёритиш вази-фаси юклатилди.



Академик Эдвард Ртвеладзе Сурхондарё вилоятидаги Кампиртепа ёдгорлигида археологик қазимида пайтида.

Юртбошимиз билан ўша учрашув ва сўхбат биз — олимлар фаолиятида, умуман, фанда янги даврни бошлаб берди. Чунки бутун дунё тарихчилари ўтмишни ибтидоий даврдан бошлаб ўрганишга одатланишган. Давлатчилик тарихи мавзуси эса тамомила янги мавзу бўлгани боис янги нақша назар ва янги ёндашуви талаб этди.

Бу ўзига яраша осон иш бўлма-да, Президентимизнинг аниқ-равшан кўрсатмалари ва шу асосда ташкил этилган илмий база ишимиз муваффақиятини таъминлади. Бу жараёнда Ўзбекистон Фанлар академияси, республика Археология ҳамда Санъатшунослик институти, Давлат ва жамият қурилиш академияси хузуридаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази олимларидан иборат улкан жамоа иш олиб борди.

Аваллига тўпланмак материаллар ҳажми ва асрларнинг тақсимланишига қараб, мажмуанинг 4 ёки 3 жилдан иборат бўлишини мўлжаллаган эдик. Тадқиқотларимиз натижасида

аён бўлдики, бундай буюк давлатчилик тарихини уч жилдга сиғдириб бўлмас экан.

Ишларимиз бироз чўзилиб кетгани ҳам бор гап. Лекин бошқа жиҳатдан қараганда, шундай бўлиши керак эди. Чунки бу китоб нафақат давлатчилигимиз тарихи ва фани, балки бугун илгари сурилаган миллий голяригимизга ҳам тааллуқли. Ахир, ушбу монографиялар жаҳон тамаддунидаги муносиб

бойликлари кенгроқ фойдаландик. Қадимий тангалардаги ёзувлар ва рамзлар маъносини ўргандик. Ҳатто хорижий манбалардаги юртимиз тарихига оид маълумотларни тўпладик. Қисқача айтганда, миллий давлатчилигимизни изоҳлайдиган барча далиллари ўрганишга хулоса ясадик.


Фурсатдан фойдаланиб, бир хушхабарни маълум қилмоқчи эдим. «Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихи» деб номланувчи ушбу улкан асарнинг биринчи томини нашрга тайёрлаш ишлари якунланди. Уни Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига тўғра эдик.

— **Иккинчи ва учинчи томлар қайси даврларни ўз ичига олади?**

— Эрамининг III-IV асрлари қадимийликдан ўрта асрларга ўтиш даври ҳисобланади. Шу боис, иккинчи том ўша пайтдаги давлатчилик тарихидан бошланади. Маълумки, бу вақтга келиб, ўзбек давлатчилиги янада юқори босқичга кўтарилган. Самарқанд, Термиз, Урганч шаҳарлари атрофида марказлашган давлатлар вужудга келган. Айниқса, Хоразм ўтмиши жуда эътиборли. Бу ерда Хоразмшоҳлар 800 йил мобайнида ҳукмронлик қилган. Дунёда бошқа ҳеч бир сулола бундай узоқ давом этмагани ҳам ўзбек давлатчилигининг ўзига хослигини кўрсатади.

Кези келганда яна бир нарсани айтиб ўтай. IV-V асрларда Марказий Осиё шимолда пайдо бўлган Хунлар давлати кейинчалик Европани ишғол қилади. Уларнинг лашкарбоси Атиллага Фарбда бир томонлама баҳо берилади — цивилизацияни ер билан яқсон қилган босқинчи сифатида эслашади. Энг ёмони, хунлар ҳам туркий қабилалардан саналгани боис европалықлар биз ўзбекларни ҳам шу босқинчиларнинг авлоди дейишаркан.

Президентимиз биз билан сўхбатда шунга алоҳида эътибор қаратганди. Атай хабарини олиб қараганлигини, хунлар Ўзбекистон ҳудудида умуман бўлмаганлиги таъкидлаганди. Изланишларимиз давомида бу ўз исботини топди. Атилланинг Европага юриши юртимиз ҳудудидан анча шимолроқдан — Дашти Қипчоқдан ўтиб кетганлиги маълум бўлди.



Кампиртепа — тарихнинг «жонли» музейи.

Шунингдек, бу даврда турк ҳоконликлари ҳукм сурди. Араблар истилосидан кейинги Соғдийлар, Қорахонийлар ва Салжукийлар ҳукмронлиги тарихида катта из қолдирди. Юртимиз Ўйғониб даврга юз тугди. Уларни ўрганишда Беруний, Форобий, Наршахий каби ажодларимиз асарларидан фойдаланганимиз ҳам эътиборга молик.

Учинчи том тўлалигича Темур ва Темурийлар давлатига бағишланди. Чунки бу даврда миллий давлатчилигимиз юксак даражага чиқди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари гуллаб-яшнади. Ўз замонасидаги барча мамлакатлар Темур давлати билан ҳисоблашарди. Инсоният тарихида саноклигига бўлган шундай улкан ва қудратли салтанатдан ҳар қанча гурунсанас арзийди.

Бу ҳақда кўп гапиришим мумкин. Лекин мустақиллик тўғрисидаги Сохиқироннинг шаъни баланд кўтарилдики, у зот барчамизнинг шууримиздан жой олиб улгурди. Ўзим ҳам ана шу мавзудаги бир қанча китобларга муҳаррирлик қилганман. Хусусан, «Амир Темур жаҳон тарихида» деб номланган монография бобоқалониимизнинг юбилейлари арафасида икки бор нашрдан чиқди.

Сохиқирон ҳақида чет мамлакатларда ҳам кўплаб китоблар чоп этилган. Бу тарихга Гавайи оролларида то Аргентинага ҳамма қизиқди, десам муболаға бўлмайди. Биргина «Хориж нашриётларида Амир Темур ҳақида библиография» номли тўплам йиғирма тўрт мамлакатда нашр қилинган бунинг яққол далили.

Эндиликда биз янада мукамал асар яратиш устида ишлаяпмиз. Темур давлатининг барча томонларини қамраб олишга интиляпмиз. Бунда унинг юрт озодлиги учун кураши, сиёсати,

Археология

Хабарлар

«Дебют»

ёш фотографлар кўргазмаси ана шундай номланди

Тошкент Фотосуратлар уйида Фотография санъати мактаб-студияси иккинчи битирувчиларининг «Дебют» номли кўргазмаси очилди.

2006 йил кузига Тошкент Фотосуратлар уйи қошида ёш фотографлар профессионал маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилган мактаб-студия ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттириб келмоқда. Тингловчиларни тажрибали фотоусталар Владимир Жирнов, Александр Раевский, Сергей Спиридонов, шунингдек, Камолиддин Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси Хасан Файзиев соҳа сирларидан баҳраманд эттишти. Машғулотларда фотоуста ва дизайнер Виктор Вяткин ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

«Дебют» кўргазмаси турли ёшдаги турли соҳа вакиллари билан иборат тингловчиларнинг ўз дунёқарашига, ижод ва ҳаётга нисбатан фалсафий ёндашувига эга бўлган асарларидан ташкил топган. Масалан, Валерия Амирова кинорежиссёр, борини ўз ишига бағишлаган ва сўямка вақтида вафот этган П. Амирова бағишланган ишлар туркуми, «Асрга татигулик кун» драматик серияси ва бир қатор психологик портретларни тақдим этади. Оқ-қора фото оламини чуқур ўрганган Светлана Чен графика, Мария Бадиқова томошабинлар учун экологияга бағишлаган фотолари билан макрофотография оламини очиб беради. Юлия Храмова табиатга муҳаббатини «Турналар» туркуми ва манзаралардан изҳор қилган бўлса, Камил Исмагиловнинг Франция ва Испанияга қилган сафарларида олган суратлари шоирона руҳи билан ажралиб туради.

Кўргазма шу йилнинг 28 октябригача давом этади.

Азим РЎЗИЕВ

Маҳорат маркази фаолиятини кенгайтирмоқда

«Анджоннома» ва «Анджонская правда» бирлашган таҳририяти қошидаги маҳорат маркази ўз фаолиятини келгуси йил ҳам давом эттиради. Бунинг учун Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан 5 млн. сўмлик грант ажратилди.

Маҳорат маркази ўтган йилнинг ноябр ойида Жамоат фондининг 10 млн. сўмлик гранти асосида ташкил қилинган эди. Олти ой мобайнида олиб борилган ўқув машғулотида маҳорат маркази тингловчилари журналистика назарияси ва амалиёти, ахборий ва таҳлилий мақолалар тайёрлаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш сингари йўналишларда сабоқ олдилар. Лойиҳа муаллифи, марказ раҳбари Саиджон Шукуров, журналистлар Нажмиддин Икромий, Гарун Машуровларнинг сайёҳаракатлари билан таниқли журналистлар ва таҳририй тажрибали ходимлари олиб борган сабоқлар кўпроқ амалий аҳамият касб этди. Марказ тингловчилари олган билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаб боришди. Улар ёзган сара мақолалар «Анджоннома» газетасида алоҳида руҳн остида мунтазам бериб борилди.

Ўқув курслари нихоясида 45 нафар фаол тингловчиларга журналистик маҳорат марказининг махсус сертификатлари топширилди.

— Бу йилги грантнинг маълум қисмини масъул котиблар ва газета дизайнерларининг маҳоратини оширишга йўналтириш кўзда тутилган, — дейди «Анджоннома» ва «Анджонская правда» газеталари муҳаррири Абдулғани Даминов. — Келгусида марказ фаолиятини кенгайтириб, Фаргона водийсида ижод қилаётган ҳамкасбларимиз учун ҳам ўқув машғулоти ташкил қилмоқчимиз.

МУХБИРИМИЗ.

Ижтимоий ҳимоя аҳоли фаровонлиги йўлида

Оила — жамият устуни. Шунинг учун ҳам ёш оилаларга эътибор жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади. Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, уларнинг муаммоларини бартараф этиб боришни давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса бу сиёсатни янада мустаҳкамлайди. Фармон мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, омма онига сингдириш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Яқинда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши, Сирдарё туман кенгашининг «Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги маъқени ошириш» гуруҳи, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали аҳоли ҳамкорлигида Сирдарё шаҳри педагогика коллежи ахборот-ресурс марказида мазкур Фармон юзасидан давра сўхбати ўтказилди.

Давра сўхбатида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали етакчи илмий ходими Г. Улуғбекова, халқ депутатлари Сирдарё туман кенгаши депутати М. Қўчқорова, туман «Аёлларнинг сиёсий фаоллигини

ошириш» гуруҳи раҳбари Б. Шукурова, шунингдек, ЎзЛиДеП вилоят кенгаши «Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги маъқени ошириш» бўлими мудири Д. Бекманова, Сирдарё туман хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Хусайнова, туман «Маҳалла» жамғармаси раиси К. Бегимов, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари ҳамда ёш оилалар вакиллари қатнашдилар.

Оиланинг моддий ва маънавий фаровонлиги жамиятнинг равнақига хизмат қилади. Давра сўхбатини олиб борган ЎзЛиДеП Сирдарё туман кенгаши раиси биринчи ўринбосари Фарҳод Эргашев ўз сўзида мана шулар ҳақида тўхталиб, «Ижтимоий ҳимоя йили»да банк томонидан кам таъминланган оилалар ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар берилаётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

Давра сўхбатида мавзу юзасидан рес-

публика акциядорлик тижорат «Ипотека» банкининг вилоят филиали мутахассиси Ақтам Исроилов маъруза қилди ва банк томонидан фуқароларга ипотека кредити берилиши тартиблари ҳақида тушуниришлар берди. У ўз сўзида уй-жой сотиб олиш учун ёки турар жойни реконструкция қилиш истагида юрган кишилар кўплаб топилиши, аммо бугунги кунда кўпчиликнинг бунга қурби етмаётганини, шундай холларда банкдан ипотека кредити олиш мумкинлигини айтиб ўтди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Махкамасининг 2007 йил 3 январда тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида»ги низомига кўра ипотека кредити фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш ва реконструкция

қилиш ҳамда яқка тартибда уй-жой ёки квартира сотиб олишлари учун берилади.

Тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари — Ипотека кредитлари беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг имтиёзли кредит линиялари, халқаро ва хорижий молия институтларининг ипотека кредити учун берилган грантлари ва инвестициялари, тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан берилади.

Давра сўхбатида бугунги кунда республика акциядорлик тижорат «Ипотека» банкининг вилоят филиали томонидан ипотека кредити фуқароларга қандай тартибда ва

қанча миқдорда берилиши; руҳлари аъзолари фаолиятини жонлантириш зарурлиги, мамлакатда амалга оширилаётган ишлохотларнинг пировард натижаси сиёсий партияларнинг фаоллашувига боғлиқлиги, бу вазифа улар зиммасига масъулият юклатганилиги, шу билан бирга аҳолининг, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш давр талаби эканлигига ургу берди.

Давра сўхбатида халқ депутатлари Сирдарё туман кенгаши депутати, партия туман кенгаши раиси ўринбосари М. Қўчқорова «Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш» мавзусида сўзга чиқди. Маърузачи хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамият ва оиладаги муносиб роли ҳамда ўрнини мустаҳкамлаш, уй-рўзгор юртишларини жамият ҳаётида фаол иштирок этиш билан мувофиқ даражада қўшиб олиб боришлари учун шароит яратиб бериш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Б.ЎТАНОВ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Сирдарё вилоят филиали етакчи илмий ходими.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».

Давр ёшлари Илм йўлидаги Мадина

Яқинда бир танишимни излаб ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультетига бордим. Бинонинг кириш жойида осиглик турган фаол талабалар суратларига бе...



Мадина Менделеев номидаги стипендияга 2006-2007 ўқув йилидаги аъло баҳолари ва жамоатчилик ишларидаги фаол иштироки учун сазовор бўлган экан. "Сумитома" стипендиясини Япо...

корпорация таъсис этган бўлиб, уч босқичли танлов асосида тақдим қилинаркан. Мадина ўзМУ ва Тошкент давлат техника университети талабалари орасида голибликни қўлга киритибди. Варшава университетидан эса олиб бораётган илмий тадқиқоти борасидаги билимларини ошириб қайтибди.

— Илмий ишим жараёнида "Helicobacter pylori" бактериясини ҳар томонлама ўрганишга ҳаракат қилганман, — деб сўхбатдошим гап бошлаган эди, амалий машғулот жараёнини кузатганим маъқул, деган фикрга келдим.

Илмий-амалий машғулотлар хонасига киргач, Мадина микроскоп орқали кўрсатар экан, "Бу бактерия инсон ошқозонидан яшайди. Бундан зарарланган кишиларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги кузатилади", дея изоҳ берди.

Мадинанинг мақсади эса бу хавфли бактериянинг ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллигига олиб келиш жараёнини таҳлил қилиш орқали хасталикни даволашнинг қулай усулларини топиш ва бу билан одамларга кўмак беришдир. Мадина Расулова билан хайрлашар эканман, хаёлимда хушхулқ ўзбек қизи тасвири ва долзарб илмий тадқиқотлар олиб боришга қодир бўлган билимдон талаба қиёфаси муҳрланиб қолди.

Ситора ТОЖИДДИНОВА

«КамАЗ» автоулови

сифатли, ишончли ва кенг имкониятларга эга

— Аслида бу корхона рекламага сира муҳтож эмас. Чунки у вақт синовидан ўтган, — дейди Тошкент «КамАЗ» автомаркази масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси директори Мурат Сабиров. — 1974 йили илк «КамАЗ» русумидаги машина ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган 33 йиллик муддат мобайнида бу автоулов бирор марта ҳам панд берган эмас. «КамАЗ» нафақат МДХда, балки бутун дунёда ўзининг қуввати, чидамлилиги ва айниқса, ишончлилиги билан машҳур.



Ха, «КамАЗ» автоуловлари жамоатчилик эътиборини қозонган. Айниқса, унинг номи ҳайдовчилар орасида ўзгача меҳр билан тилга олинади. Узоқ йиллик ҳайдовчилик фаолиятининг қарийб ҳаммасини ушбу автоуловда ўтказатган Равшан ака Жабборовнинг гапларига қулқ тутаилк: — Менга мана шу «КамАЗ» йигирма йилдан бери ҳамроҳлик қилади. Янги

лигида заводдан ўзим ҳайдаб чиққанман. Эҳ-ҳе, бу билан қай юртларни кўрмадим. Ҳатто бир марта «КамАЗ»имда Европага ҳам бориб келганман. Ҳайдовчилик осон касб эмас. Баъзида бир неча ўн кунлаб сафарда юришга тўғри келади. Ана шундай вақтларда «КамАЗ»нинг бақувват ва қулайлигига яна бир бор амин бўласан, киши. Бу машина билан ҳеч қачон йўлда қолиб кетмайсан. Доим кўнглинг тўқ бўлади. Шунини айтадилар-да, отуловинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар деб.

Маълумки, бугун юртимизда бунёдкорлик ишлари жуда кенг қўламда олиб борилмақда. Бундай паллада «КамАЗ» каби бақувват техник воситаларга талаб ошгандан-ошади. Қолаверса, аҳолимизнинг кўпчилиги қисми шугулланганидан қишлоқ ҳўжалигида ҳам юк ташишга мўлжалланган бу турдаги машиналар

жуда асқотади. Хуллас, «КамАЗ» ҳаётий зарур, ҳўжалиқбоп автоулов. Биз юқорида номини зикр этиб ўтган Тошкент «КамАЗ» автомаркази масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси мамлакатимизга ушбу транспорт воситасини келтиришда буюртмачиларга беминнат ёрдам бериб келмоқда.

2003 йилда ташкил этилган автомарказ бугунги кунгача 100 дан зиёд «КамАЗ» русумидаги машиналарни мамлакатнинг турли тармоқларига етказиб берди. Қўшма корхонанинг Самарқанд, Қарши, Фарғона шаҳарларида бўлимлари ишлаб турибди. Улар орқали ўтган йили 36 та, бу йил эса 10 та турли ишларга мўлжалланган машиналар ўз эгаларини топди. Айни пайтда келтирилётган автоуловлар «Евро-2» стандартларига тўла жавоб бера олади. Бу эса «КамАЗ»нинг замон билан ҳамнафас қадам ташлаётгани, тобора такомиллашиб бораётганидан далолатдир. Шу пайтгача ҳам ҳайдовчилар ишончида бўлган бу русум энди фойдаланувчиларга янги-янги имкониятларни тўхфа қилмоқда.

— Биз таклиф қилаётган машиналаримизнинг сифатига қафолат берамиз, —



дейди автомарказ бош муҳандиси Мирдилшод Мирсоидов. — Корхонамиз Россиядаги заводнинг расмий дилери ҳисобланади. Завод ўз маҳсулотига 30 минг км. масофани юриб ўтиши ёки бир йиллик қафолат беради. Бу вақт ичида мутахассисларимиз транспорт воситаларини тез-тез қўриқдан ўтказиб туради. Автомарказ нафақат машиналарни олиб келиб сотади, балки уларга техник хизмат ҳам кўрсатилади. У бу томондан ҳам мижозларнинг ишончига кириб улгурган. Қўшма корхонанинг устaxonала-

ридан мамнун бўлиб кетаётган ҳайдовчиларни қўллаб-қувватлаш мумкин. «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин», деб беркорга айтмайдилар-да.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент «КамАЗ» автомаркази мижозлар ишончини фойдадан устун кўради. Бу эса истиқболни таъминлайдиган бош омилдир.

Улғубек МАҲКАМОВ

СУРАТЛАРДА: корхона раҳбари Мурат Сабиров (юқорида) ва авточиларга (қуйида чапдан) Сергей Лисовенков, электр қисми устаси Рашид Шарифуллин.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.



Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишни таъминлашга катта эътибор бериш билан бирга ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Президентимизнинг шу йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам ана шу мақсадга қаратилган бўлиб, у «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг мантиқий давоми бўлди. Бу ҳужжатда меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида турган ёшларга амалий ёрдам бериш шарт-шароитлари аниқ кўрсатиб қўйилган. Умуман, ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги катор фармон ва қарорлар, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун талабларига жавобан мамлакатимиздаги йирик тижорат бан...



хонадонларининг аҳолига сотилиши банкнинг ипотека кредитлари орқали амалга оширилиши кўзда тутилган. Узоқни кўзлаб қилинган тадбирлар таҳсинга сазовор, албатта. Лекин, аввало, бугуннинг гамини емоқ керак-да! «Ипотека банк» буни ҳам унутиб қўйган эмас.

Оилалардаги атмосфера бутун бир жамият иқлимини белгилашда асосий роль ўйнаши бор гап. Ҳали ўзини тиклаб олмаган, ҳаётининг энг ҳал қилувчи паллаларини бошидан кечириётган ёш оилаларни кенг қўламда қўллаб-қувватлаш эса ўз келажагига бефарқ бўлмаган миллатнинг бош мақсадидир. Аслида ҳам бундай паллада ёшларга сал маънавий, озроқ моддий мадад беришса, мамлакатимиздаги бахтли оилалар сони яна биттага қўлайган бўлади. Икки ёш ўз келажаklarини бирга қурмоққа шайланганиданок биринчи ташвиш — уй-жой масаласига дуч келишади. Тўғри-да, қайси бир оврупалик умр бўйи ижарама-ижара яшаб юриши мумкин, лекин бизнинг одамларимиз уй-жойи,

ватани ўзиники бўлмагунча хотир-жам яшолмайди.

Масалан олайлик, уй учун пул мисқоллаб йиллар давомида йиғилмади, қарз ҳам кўтарилмади-да, ипотека кредити олинди, янги оила ўз ватанига эга бўлди. Вазият, қайфият қандай бўлади? Мана бундай бўлади:

— Менинг уйланганимга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин ўз уйим бор. — дейди бахтиёрлигидан кўзлари порлаб турган банк мижозларидан бири Раҳим Авазов. — Қувончли томони шундаки, уйни ҳеч кимнинг ёрдамисиз олдим. Бунда «Ипотека банк» кредитлари менга қўл келди. Фоизи ҳам унчалик катта эмас. Ўз маошимдан ойма-ой тўлаб боряман. Уйлаб қарасам, турмуш ўртоғим иккалаимиз ишласак, маошимиз кўндалик харажатлар ва кредитни тўлашга бемалол етар экан...

бўлса, ўз маслаҳатлари билан ёрдам берадилар. Шунданми, бу масқандан норизо кетаётган одамларни учратмайсиз. Банкнинг Тошкент шаҳар филиаллари томонидан 13 296,4 млн. сўм миқдордаги 703 та ипотека кредитлари ажратилган. Шундан 1 689,5 млн. сўмлик 83 та кредит айнан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилди. Бугун ҳам «Ипотека банк» Тошкент шаҳар филиаллари эзгу ишларини давом эттириётди. Бунинг учун имконият етарли. Ҳозирги кунда ипотека кредитлари бўйича қолдиқ маблағ 12 543,3 млн. сўмини ташкил этади.

Банк бундан бошқа йўналишларда ҳам кенг қўламда иш олиб бормоқда. Хусусан, «Ипотека банк» янги иш ўринларини яратиш мақсадида

эса 798 та кичик бизнес субъектларига 24131,5 млн. сўм миқдордаги кредит ажратилди. Маълумки, ҳукуматимиз томонидан кичик тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилаётди. Бу борада имтиёзли кредит сиёсатининг самараси яққол сезилмоқда. «Ипотека банк» ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. 2007 йилнинг 9 ойи давомида 25 та кичик бизнес субъектларига имтиёзли кредитлаш жамғармасидан 461,2 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди. Кредит қолдиғи эса 1 130,5 млн. сўмини ташкил этмоқда. Имтиёзли кредитлаш маҳсулотида маблағлар асосан ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасида



юрган кичик бизнес субъектларини ҳам қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, шаҳар филиаллари 290 та янги иш ўрни ташкил қилинишига ўз ҳиссасини қўшди. Бунинг учун

50% дан ошмаган фоизларда ажратилади. Имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида АТИБ «Ипотека банк» шаҳар филиаллари доимий равишда мониторинг ишларини

Фаолият



«ИПОТЕКА БАНК» кредитлари фаровонлик хизматида

олиб боришаётди. Натижада бўш турган маблағларни муҳтож бўлган филиалларга тақсимланиши таъминланмоқда.

— Бу банк хизматларидан доим фойдаланиб келаман, — дейди тадбиркор аёл Ноила Рустамова. — Чунки «Ипотека банк» фаолияти давомида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмайди. Кредит ҳисобига ўз тадбиркорлигини йўлга қўйганимга ҳали кўп бўлганича йўқ. Бу муддат мобайнида банкдан қарзини уздим ва етарлича фойда олишга ҳам эришдим. Ҳозир кредит ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш истагимиз бор. Бунинг учун эса мен ҳамкор сифатида шўбхасиз «Ипотека банк»ни танлайман.

Ҳа, опанинг гапларида жон бор. Агар шундай бўлмаганида, банкнинг Тошкент шаҳар филиаллари томонидан тадбиркор аёлларга ажратиладиган кредитлар бўйича ўрнатилган режа бир неча баробар ортиги билан бажарилмаган бўлар эди. Йилнинг 9 ойи давомида 225 нафар тадбиркор аёлларга 1 974,4 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган. Бунинг ҳисобига эса Тошкент шаҳрида 147 та янги ишчи ўрни яратилди.


«Ипотека банк» микрокредитлаш соҳасида ҳам самарали ишламоқда. Шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 707,1 млн. сўм маблағ микрокредитларга йўналтирилди. Кўришиб турибдики, «Ипотека банк» АТИБ фаолияти бевосита халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган. Банк кредитлари ҳам шунга хизмат қилмоқда.

Салим ИНОМЗОДА

Эхтиром

Қирқ рақами мўъжизакор сон экани ҳақида кўп ривоятлар бор. Ёз ва қишнинг қирқ кунлик чилласида об-ҳаво ўзгача бўлади. Удумга кўра, келин-куёв қирқ кунлик чиллага амал қилиши шарт. Чақалоқлар ҳам қирқ кунлик муддатдан сўнг бир қадар улғайганини кўриб қувонасиз. Эртақларда тўйлар қирқ кечаю қирқ кундуз бўлиши, баҳодирлар қиличи қирқ газ экани замирида ҳам рамзий маъно муҳасам. Қирқ қиз ва қирқ йигит афсоналари, шу кунга қадар улар номи билан аталадиган жойлар ҳам ана шу соннинг мўъжизакорлигини тасдиқлаётгандек... Буни қараганки, кўплаб журналист кадрларни етиштирган жонажон ўқув масканимиз — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ташкил топганига ҳам қирқ йил тўлибди!

Қирқинчи довон



Ўзбекистон Миллий университети бош биноси.

ридан бири — умрини матбуот ишига бахш этган таниқли журналист Исмоил Сулаймонов «Мен журналистман» китобида ўқув даргоҳимизда юз берган фойдаланувчи воқеалар, бу маскандан етишиб чиққан ижодкорлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилган. Доцент Анвар Шомақсудов эса «Журналист мутахассислар тайёрлаш маскани» рисоласида бу маскан тарихи, босиб ўтилган машаққатли ҳамда шарафли йўл ҳақида сўз юритади.

2005 йили университетимиз таркибидан Олий журналистика курси ташкил этилди. Бу йил июнь ойида мазкур курснинг илк қалдирғочлари қўлларига магистрик дипломини олдилар.

Хозирги кунда факультетда «Матбуот», «Телекўрсатув ва радиоэшиштириш», «Оммавий алоқалар ва реклама», «Ушбу бият ва тахрир» ҳамда «Интернет журналистикаси» каби ихтисослик кафедралари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августда «Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бунга мусовофиқ факультетда сиёсий шарҳ, ОАВ иқтисодиёти ва менежменти, ОАВ социологияси, ОАВ психологияси, ахборот-психология хавфсизлиги масалалари мутахассисликлари бўйича магистратура бўлимлари очилди, университет базасида ўқув-нашриёт комплексини барпо этиш, уни ўқув-методик адабиётлар нашр этиш учун замонавий матбаа ва нусха кўпайтириш техникаси билан жиҳозлаш, шунингдек, «Журналистика масалалари» ихтисослаштирилган илмий альманаҳини таъсис этиш режалаштирилган.

Очиги, бир пайтлар она тилимизда журналистика назарияси, бу соҳа сирларини мукамал ўргатадиган дарсликлар, ўқув қўлланмалар йўқ эди. Утган

У дастлаб 1949 йили университетнинг филология факультети қошида журналистика бўлими сифатида ташкил этилган. Ҳуқуқат қарори билан 1967-1968 ўқув йилидан журналистика факультетига айлантирилган. Бўлимга дастлаб тарих фанлари доктори, профессор Тўғон Эрназаров раҳбарлик қилган. Бу амалиётчи журналист ва зукко олим 1965 йилда Ўзбекистон журналистикаси тарихида биринчи фан доктори бўлган эди. Фидойий устоз раҳбарлик қилган даврда факультет шаклланди, журналистика илмининг мустақкам пойдеворига асос солинди.

Анвар Шомақсудов, Тохир Пидоев, Феликс Нестеренко, Бекир Мамутов, Сайди Умиров, Омонулла Мадаев, Хамидулла Акбаров, Файзулла Мўминов каби мураббийлар турли йилларда факультет декани бўлганлар. Тарих фанлари доктори Қудрат Эрназаров 2001 йил февраль ойидан буён шу лавозимда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Узоқ йиллар факультетимизнинг кечки ва сиртки бўлимлари ҳам фаолият кўрсатган. Турли даврларда Неймат Ёқубов, Сайди Умиров, Воҳид Абдуллаев, Абдулла Сайфутдинов, Бойбўта Дўстқороев, Рамзиддин Абдусатторов, Абдуваҳоб Муслимовлар унга масъул бўлганлар.

Республикамаида халқаро журналист кадрлар тайёрлаш ҳам дастлаб факультетимизда бошланган. 1993 йилда Халқаро журналистика кафедраси ташкил этилиб, унга турли даврларда Файзулла Мўминов ва Қудрат Эрназаровлар мудирилик қилишди. 1999 йилда ЎзДЖТУ таркибидан халқаро журналистика факультети ташкил этилиши муносабати билан мазкур кафедра фаолиятини тўхтатди.

Бу кутлуг даргоҳда тахсил олиб камолга етган талабалар орасидан юзлаб етук журналистлар, газета, журнал, китоб нашриётлари, телерадио муҳаррирлари, ахборот агентликлари бош муҳаррирлари, матбуот котиблари, шоир ва адиблар, давлат ва жамоат арбоблари етишиб чиқди. Улар Тўғон Эрназаров, Очил Тоғаев, Озод Шарофидинов, Адҳам Акбаров, Ориф Саидов, Лазиз Қаюмов, Расул Муҳаммадий, Гайбуллоҳ ас-Салом, Насриддинов сингари раҳматли устозлардан, Мухтор Худойкулов, Назира Абдуазизова, Нажмиддин Комиллов, Абдуғафур Расулов, Феликс Нестеренко, Хамидулла Акбаров, Файзулла Мўминов, Фотима Мўминова каби фан доктори ва профессорлардан, Анвар Шомақсудов, Тохир Пидоев, Анвар Каримов, Бойбўта Дўстқороев, Воҳид Абдуллаев, Абдулла Сайфутдинов, Фатхулла Лутфуллаев, Сайфунулла Мадаев, Адҳам Эргашев, Юсуф Хамдамов, Мирботир Хусанов, Шавкат Мираллиев каби жонқур устозлардан сабоқ олганлари ҳақида фикрларини сўзлайдилар. Шу кутлуг даргоҳдан етишиб чиққан ўнлаб ёш журналист олимлари аини вақтда устозлар изидан дадил бораётганлари қувончи ҳолдир.

Факультетнинг биринчи қалдирғочларидан бири — умрини матбуот ишига бахш этган таниқли журналист Исмоил Сулаймонов «Мен журналистман» китобида ўқув даргоҳимизда юз берган фойдаланувчи воқеалар, бу маскандан етишиб чиққан ижодкорлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилган. Доцент Анвар Шомақсудов эса «Журналист мутахассислар тайёрлаш маскани» рисоласида бу маскан тарихи, босиб ўтилган машаққатли ҳамда шарафли йўл ҳақида сўз юритади.



Журналистика факультети телерадиостудияси. Талабалар амалий машғулот жараёнида.

йиллар мобайнида, айниқса, юртимиз истиқлолга эришганидан буён соҳага доир ўқув қўлланмалари, назарий рисоалар нашр этилди. Бу борадаги излашлар, тадқиқотлар изчил давом этмоқда.

Журналистикани амалиётсиз тасаввур этиш қийин. Сунгги йилларда бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика газети ва журналлари тахририятларида, телерадио муҳарририятларида, қатор ташкилотларнинг матбуот хизматларида тажрибали журналистлар билан ҳамкорликда «Ижодий устaxonalar» ташкил этилган. Бундан ташқари факультетнинг «Журналистика» ўқув газетаси, «Ўзбекистон Миллий университети» кўп нусхали наشري ҳам талабалар учун ўзига хос амалиёт мактаби бўлмоқда.

Мунтазам ижодий машқ ва излашни талаб этадиган бу нозик соҳа сирларини ўргатиш борасида УзМУ журналистика факультетида жуда кўп хайрли ишлар қилинган тахсинга лойиқ. Лекин журналистика факультетида замонавий оммавий ахборот воситаларига муносиб кадрлар етказиб туриш борасида ҳали жуда кўп ишлар қилиниши зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Қирқ йил мобайнида бир неча журналистлар авлодини етиштирган жонажон факультетимиз аини қирқинчи йилда янада камол топиб, илмий ва ижодий салоҳияти ортмоқда. Унинг истиқболи қанчалик порлоқ бўлиши эса азиз устозлар зукко талабаларимизнинг сай-харақатларига боғлиқ.

Тўлқин ЭШБЕК,
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университетининг
ахборот хизмати раҳбари.

26 ёшли аёл — Хитойнинг энг бой фуқароси

Хитойнинг энг бадавлат фуқаролари рўйхатида биринчи ўринни 26 ёшли Ян Хуэйянь эгаллади. Ёш миллиардернинг бойлиги 16 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.



Ян Хуэйяньнинг бир миллиарддан ошқ аҳоли ичида олдинги ўринда бўлиши тасодиф эмас. Унинг отаси — мамлакатнинг энг бой кишилари қаторида юрган Юэн Квок Кэун яқинда Country Garden Holdings Co қуриш компаниясидаги ўз

акцияларини қизи ҳисобига ўтказиб берган эди. Ян Хуэйянь ўзига тегишли акциялардан унумли фойдаланди ва қимматли қоғозлар савдосидан 5 млрд. АҚШ доллар микдоридан даромад олди. Аини пайтда Юэн Квок Кэун компаниянинг раиси лавозимда ишламоқда, қизи эса унга ўринбосарлик қилмоқда.

Ян Хуэйянь Американинг Огайо университетини тасоғлабди. Тахсилдан кейин Хитойнинг юқори лавозимдаги раҳбарларидан бирига турмушга чиққан. У мамлакатнинг энг бой кишилари рўйхатида номи кирган санокли аёллардан биридир.

Хитойнинг энг бой кишилари рўйхатида иккинчи ўринни 7,3 млрд. АҚШ долларлик сармоя билан Хуэй Вингмау эгаллади.

Учинчи ўринда эса кўчмас мулк соҳасида иш олиб бораётган Го Гуанчан (4,85 млрд. АҚШ доллари) қайд этилган.

Беназир Бхуттога суиқасд қилган ким?

Покистоннинг собиқ бош вазир Беназир Бхутто Карачи шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати ортда айрим юқори лавозимдаги мансабдорлар ҳамда ҳарбий зобитлар тургани маълум қилди. Бу ҳақда сиёсатчи хоним мамлакат президенти Парвез Мушарраф номига ёзган мактубда таъкидлаган.



демократия йўлидаги қаҳриқлари ҳарбий қўлларга ёқмаётгани бўлиши мумкин.

Покистон ҳукумати гумонланувчилар рўйхати бўйича текширувлар олиб борилиши, ҳозирдан шошилинч яқинли хулосалар чиқарилмаслигини билдирган.

Эслатиб ўтамиз, Карачи шаҳридаги терактлар узоқ йиллар муҳожиротда юрган Беназир Бхуттонинг Покистонга қайтиши муносаби билан уюштирилган учрашув чоғида амалга оширилган эди. Террорчи-камикадзе томонидан портлатилган бомба 150 га яқин кишини ҳаётдан олиб кетган, 400 дан ошқ фуқаро жароҳатланган.

Беназир Бхутто терактлар учун жавобгарликни Покистоннинг генерал Зия ул-Ҳақ тарafdорлари зиммасига юклаган. Яқиндагина ҳориждан ватанига қайтган сиёсатдонинг сўзларига кўра, унинг

Беқарор бозор

Сунгги кунларда жаҳон бозорида нефть баҳоси рекорд даражага кўтарилди. Ой бошида Нью-Йорк биржасида қора олтининг бир баррели 81,66 АҚШ долларига етди. Бу ҳолат иқтисодиёти мазкур табиий ресурсга боғлиқ бўлган давлатларни саросимага солиб қўйди. Лекин орадан икки ҳафта ўтиб, беқарор бозорда кузатишлар нарху наво саросима ҳолатини тахликага айлантираётгани: халқаро биржада бир баррель нефть 88 АҚШ долларига баҳоланди.

Айтиш кераки, дунёнинг сунгги ярим асрлик тарихида қора олтин баҳосининг бу қадар юқори нуқтага кўтарилгани кузатилмаган.

Халқаро бозорда катта инқирозга олиб келган Эрон-Ироқ уруши даврида ҳам бир баррель нефть бугунги кун кўрсатишича 84,49 АҚШ долларига сотилган эди. Ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатда катта муаммоларни келтириб чиқарган Кўрфаз уруши — Ироқнинг Кувайтга босқини пайтида ҳам нархлар бунчалик осмонга салчиммаган эди.

Қора олтин баҳосининг рекорд даражада кўтариллишига Туркиянинг Ироқ шимолида жойлашган курд айирмачиларига қарши ҳарбий амалиётларга ҳозирлик кўраётгани тўғрисидаги хабарлар яхшигина таъсир кўрсатган. Маълумки, Ироқнинг ушбу қисмида катта микдорда нефть қазиб олинади. Агар воқеалар суръати шиддатли тус олиб, Туркия курдларга қарши ҳаракат қилса ва худуд-




ни эгалласа, табиий ресурс қазиб олиш тўхташи мумкин. Ана шу эҳтимолий ҳодиса халқаро бозор микозларини ташвишга солган.

Дунё бозорида доллар курсининг тинимсиз тушиб бораётгани ҳам қора олтин нархи ўсишига олиб келган омиллардан. Сунгги савдолар чоғида АҚШ валютаси еврога нисбатан сезиларли даражада пасайди ва бир евро 1,4305 долларга тенг бўлди.

Хозирги шароитда барча стратегик ресурслар каби нефть нархининг ошиб боришига оманинг ижтимоий кайфияти ҳам таъсир босадиган даражада тош этилти.

Италия пойтахти Римда мамлакатнинг турли худудларидан келган фуқароларнинг норозилик чиқишлари бўлиб ўтди. Мамлакатдаги сўл қучлар томонидан ташкил этилган норозилик акцияси иш-тироқчилари меҳнат ва пенсия тизимини ислоҳ қилишни талаб этишмоқда.

Италияда норозилик намойиши



Яқин кунларда Италия парламенти томонидан мамлакат бюджетининг янги йилдаги лойиҳаси тасдиқланиши кутилмоқда. Норозилик намойиши қатнашчилари бюджет тасдиқланиши олдиндан унга ўзгаришлар киритилишини мақсад қилишган. Шу билан бирга улар амалдаги ҳуқуқатдан ишчиларнинг ҳуқуқи кафолатланишини сўрашмоқда.

Қузатувчилар сўл қучларнинг талаблари инobatта олинмасе, унг сиёсий қанот, хусусан, бош вазир Романо Проди мавқеига путур етиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Ақл бовар қилмас жиноят

АҚШнинг Техас штатига қарашли Галвестон шаҳрида ўз фарзанди жонига қасд қилиш жинояти бўйича суд жараёни бошланди.

Суднинг қора курсисидан ўтирган 19 ёшли Жошуа Малдин даҳшатли жиноятга қўл урган. У ўзининг икки ойлик қизчасини микротўқинли печкага тиккан. Юқори ҳарорат натижасида кучли жароҳат олган гўдақнинг ҳаёти мўъжиза тўфалигина сақлаб қолинган.

Судланувчининг адвокати йигит қиз-

Дараклар

Фарб рақобатига қарши биргаликда курашади



Эрон ва Венесуэла ҳукумати устав капитални бир миллиард АҚШ долларидан ошқ бўлган қўшма корхона ташкил этишга қарор қилди. Янги компания Фарбнинг йирек нефть гигантлари рад этган лойиҳаларни амалга ошириш билан шугулланади.

Эрон ва Венесуэла биргаликда жаҳоннинг тўққиз фоиз нефть захирасига эгалик қилади. Ана шу рақамнинг ўзи Фарб корпорацияларини янги тузилаётган қўшма корхона рақобатига жиддий ҳозирлик кўришга ундамоқда.

Иордания қирувчи самолётлари янгилиниш босқичида

Иорданияга тегишли F-16A қирувчи самолётлари Туркия ёрдамида янгиланади. Бу ҳақда куни кеча Defense Aerospace хизмати хабар тарқатган.

Араб давлати Block 15 типидан, ўтган асрнинг 80-йилларида ишлаб чиқарилган мазкур турдаги ҳарбий самолётлардан 17 тасга эга. Режага кўра, ҳозирда фойдаланишда бўлган барча F-16A самолётлари модернизация қилинади.

Модернизация жараёнида самолётлар қўшимча радио-электрон кураш воситалари ҳамда янги ҳарбий аслаҳалар билан жиҳозланади.



ХАЛҚАРО ВОКЕАЛАР
GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

Шарҳ

беҳабар каби беозор елка қисий билан муносабат билдирипти. Қора олтин нархини сурункали ошириб бориш мазкур ташкилотнинг асосий мақсади экани аниқ. Зеро, бундан бир неча йиллар олдин «Нефтьнинг бир баррели нархи камида 100 АҚШ доллари бўлгандагина адолатли баҳога эришилади», деган Қатар энергия вазир баρχа экспортёр давлатлар хоҳишини ифода қилган эди.

Лекин нефть бозоридоги бугунги ҳолат ОПЕК томонидан атайин юзага келтирилган тақдирда ҳам мазкур давлатларни ҳеч қандай асосда айблаб бўлмайди. Ариқ бошидаги мирос суви ўзи истаган тарзда тарқатади.

Тўғри, ОПЕК келгуси ойдан бошлаб нефтни қайта ишлаш қўрсаткичининг 500 минг баррелига қўпайтилишини маълум қилган. Лекин мутахассислар очик эътироф этаётганидек, бу микдор ҳам ошиб бораётган талаб олдида денгиздан томчи, холос.



88 ёшли адиба Дорис Лессинг — Нобелнинг бу йилги соҳибаси. Барча ҳақиқий истеъдод эгалари каби у ҳам минг қийинчиликда ҳаёт кечирди, муқофот ва унвон эса уни ўзи излаб келди.

Дорис Мей Тейлор истеъфодаги инглиз зобити ва ҳамшира оиласида Форс ерида дунёга келди. Болалиги Жанубий Африка худудида ўтди. Оилавий шароитлари, яъни дарбадар ҳаёт тўфайли Дорис мактаб таълимини ҳам яқинлаш олмади. Лекин ўсирилгидаёқ дунёнинг турли халқлари ҳаёт тарзини яқиндан ўрганди. «Ҳаёт дорилфунун» эса унга мактаб таълимидан ҳам қимматлироқ сабоқларни берди.

Дорис Лессинг иккинчи жаҳон уруши даврида немис иммигранти Готфрид Лессингга турмушга чиқди. Шу тариха адабиёт оламини Дорис Лессинг исми янги ном кириб келди. Унинг биринчи китоби 30 ёшида нашрдан чиққан эди. Утган ярим асрдан ошқ вақт давомида ўқувчилар қўлига ана шу имзо билан қирқдан ошқ асар етиб борди.

Дорис Лессинг дастлаб илмий фантастика йўналишида ижод қилди. Шарҳ маънавиятида алоҳида ўринга эга бўлган сфүзим ҳам уни беътибор қолдирмади.

Лессинг реалистик проза йўналишида кўплаб ижодий тажрибаларга қўл урди, қатор насрий асарлар ёзди. Лекин ёзувчининг бутун дунёга машҳур қилган асар — «Олтин кўндалик» романи 1962 йилда ёзилган.

«Олтин кўндалик» жуда тез суръатда инглиз хотин-қизлар адабиётининг энг машҳур ва оммабоп асарига айланди. Адабиётшунослар фикрича, реалистик йўналиш, инсоният тарихидаги турли номдаги тузумларга нисбатан киноя ва аниқ кулги шаклидаги муносабат асарни машҳур қилган олимлардан саналади.

Собиржон ЁҚУБОВ

Хотира

Яхшиларнинг умри, излари шундай қутлуг эканки, уларнинг ибрати инсонлар ҳаётига маёқ бўлиб, неча-неча замонлар нур сочишга, йўл кўрсатишга қодир экан.

«Опам мададкорим эди...»

Ҳақиқатдан ҳам Холида Саматованинг шоғирлари кўп. Чунки у киши деярли ярим аср давомида юридик институтда дарс берганлар. Бу ҳақда сафдошлари: «Х. Саматова ўз фаолиятида катта муваффақиятларни қўлга киритди...»



Холида Саматованинг бу ютуқларга эришишига асосий сабаб унинг бутун ҳаёти меҳнат кучоғида, машаққатлар йўлида, изланишлар соҳасида ўтганлигидир.

Опам 14 ёшдан бошлаб ўзини меҳнатга урган. У хотин-қизлар клубида аёллар саводини чиқариш курсларида дарс берганлар. Шу билан оилага қисман бўлса-да моддий ёрдам кўрсатган. Биз 8 жон бўлганмиз. Фақат отам ишлар эдилар, у киши ҳам ногирон эди.

Опамиз ўзини тўла равишда илм-фанга бахшида этиб, 1935 йилда юридик институтни муваффақиятли тамомлайди.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтишимиз лозимки, опамиз ҳаммамизга ҳар жиҳатдан намуна кўрсатарди, барча соҳаларда сабоқ берарди. Шу сабабдан бўлса керак, 5 ўғил — барчамиз олий маълумотли бўлдик. Иккимиз фан номзоди, биримиз фан доктори, профессор, фан арбоби бўлиб етишдик.

Холида Саматова фақат маънавий-илмий жиҳатдангина эмас, балки моддий жиҳатдан ҳам ёрдам қилини чўзиб турди. Филология факультетида ўқиб юрганамиз ҳамда Москва давлат университети аспирантурасида таълим олган.

нимда ҳам у кишининг ёрдамидан ҳаммимиз баҳраманд бўлиб турдим.

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби бўлган доцент Холида Саматова ўзининг фаолиятида 50 дан ортиқ асарларини чоп эттирди. Улардан «Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихи», «Қонун она ва болалар ҳимоячиси» каби сермазмун асарлари давлатшунослик фанига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Холида Саматова илмий фаолият билан бирга ташкилий ишларни моҳирлик билан қўшиб олиб борган. Бу эса алоҳида истеъдод талаб қилиши турган гап. Икки соҳани қўйиб қилиб олиб борган опамиздан фахрлиниб юрганмиз. 21 ёшида республика ёшлар кўмитасининг раҳбарларидан бири бўлиб хизмат қилган. 22 ёшида эса Ўзбекистон Олий Кенгаши, турли йилларда вилоят ҳамда туман ижроия кенгашларига депутат бўлиб сайланган эдилар. Булардан ташқари Тошкент вилоят сайлов комиссияси раиси, узоқ вақт иттифок Олий судининг аъзоси бўлиб хизмат қилган. Юридик факультетининг декани бўлиб ишлаганди.

Опам 77 йил умр кўрди. Аммо у киши ҳаммимизга ёнимизда тургандек. Мен оғир шариотларга тушганда ёки хурсандчилик кезларимда опамга мурожаат қилгандай бўламан. Ўйлаб-ўйлаб бундай вазиятларда опам нима қиларди, деб ўтмишга саёҳат қилиб кетаман. У кишининг тажрибаларидан, берган маслаҳатларидан, сабоқларидан келиб чиқиб, иш юритаман, саволларимга жавоб топаман. Опам менга — укасига ҳаммимиз мададкор ва ҳамкор бўлиб қолмоқда. Шу кунларда «Холида опам 90 ёшга тўлган бўларди. Аммо... бу ҳаёт экан. Гарчи ёнимизда бўлмасалар-да, худди тирикдек ҳис қиламиз.

Ҳафиз АБДУСАМатов, профессор.

Суратда: муаллиф опаси ва унинг оила аъзолари билан, 1956 йил.

Кўз олдимиздаги хатар

Беписандлик билан хазон ёқиш оғир хасталикларни келтириб чиқариши мумкин



Муаммо

Кўшним Раҳматжонни бир неча йилдан бери астма касаллиги қийнаб келади. Кўпинча дард хуруж қилган пайтларда кечалари ухломмайди. Ҳаво етишмайди, худди биров атайлаб бўғайтгандек нафаси қисади. Айниқса, куз мавсумида маиший чиқинди ва хазонлар ёқилганда ўзини қўягани жой тополмай қолади. Шу боис кўча-кўйда тутаётган заъфарон хазонни кўрдим дегунча, бу ҳолатнинг инсонлар саломатлигига салбий таъсири ҳақида ўйлайман.

Эколог олимларнинг аниқлашича, дарахт ва буталар баргларида йил мобайнида транспорт воситалари, ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқувчи заҳарли газлар йиғилади. Хазонларга ўт қўйилгани натижасида эса бебаҳо саломатлигимиз учун беқиёс зарар бўлган заҳарли газлар ҳавога тарқалади. Энг ёмони, мутахассислар фикрича, заҳарли моддалардан иборат тўтун ўпка орқали қонга сўрилади, нафақат инсон, жамики нафас олувчи тирлик организмларга салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, ҳаво таркибида заҳарли моддалар миқдорининг ошиши турли хасталикларнинг кучайишига ҳам олиб келар экан.



роти шу қадар жиддийки, у ногиронлик ҳолатига ҳам олиб келиши мумкин. Тадқиқотларга қараганда, сўнгги йилларда дунё миқёсида нафас йўли хасталиклари миқдори 10 фоиздан 20 фоизгача ўсган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида эса бронхит астмага чалинганлар кўрсаткичи 12 фоиздан 67 фоизгача кўтарилгани қайд этилган. Табиийки, нафас йўли билан боғлиқ касалликларнинг бу қадар кўпайиб кетишида ирсий оғир хасталик, тиббий маданиятнинг пастлиги билан бир қаторда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳам кучли таъсир кўрсатади. Куз келиши билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида хазон ёқиш ҳолатини кузатамиз. Кўпчилигимиз эътибор ҳам бермайдиган бу ҳолат аслида кишилар соғлиги учун катта зарар келтиради. Хазон ёқилган пайтда қуриган барглари таркибидagi токсик газлар тўтун шаклида атроф-муҳитга тарқалади. Бу ҳолат инсон организмиде нафас йўли яллиғланиши билан боғлиқ турли хасталиклар, шу жумладан, аллергия касалликларни келтириб чиқаради.

Атмосферада заҳарли моддаларнинг кўпайиши катталар ҳамда болалар орасида кен тарқалган бронхит астма касаллигининг юзага келишига ҳам сабаб бўлади. Бу хасталикнинг асо-

бот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада Республика табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси фаолиятини алоҳида таъкидлаш ўринли. Ҳўш, бу борада ваколатли идора қандай фикрда? Саломатлигимиз учун хатарли бўлган муаммо ечими йўлида қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Хазон, қуриган барглари, шох-шабба ва чиқинди уюмларининг ўзбошимчалик билан ёқиши натижасида атмосферада карбонд ангидрид ва бошқа заҳарли газлар миқдори кескин ошади, — дейди Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси давлат инспектори Матлуба УМАРОВА. — Бу эса экологик мувозанатнинг бузилиши, аҳоли орасида нафас олиш органлари ва юрак қон-томир касалликларни кўпайишига сабаб бўлади.

Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси масалани жиддий ёндашиб, бу борада ҳаракат режасини ишлаб чиққан. Бунга мувофиқ, худудларда махсус хазон йиғиш ўралари ташкил этиляпти, ажратилган автоуловлар воситасида хазонларни белгиланган жойларга келтириш назорат қилинапти.

Хазонларни ёқишга йўл қўймай, белгиланган компост чуқурларига тўкилиши, биринчидан, атроф-муҳит тозалиги, юртдошларимиз саломатлиги учун муҳим. Иккинчи томондан, йиғилган хазонлардан маҳаллий ўғит сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Шу ўринда атроф-муҳит тозалигига беписандлик билан хазон ёқиш қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка олиб келишини эслатиб ўтиш ўринлидир. Мазкур

Юртимиз гўзал ва бетакрор табиати билан барчани мафтун этади. Ана шу мафтункор муҳитда ҳаёт кечирар эканмиз, она-табиат мусаффолигини асраш, уни келажақ авлодга етказиш ҳар биримизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиз эканини унутмасак бўлгани.

Анваржон ХАЛИМОВ, журналист.

Банк ва мижоз

— Ҳозирда фермерларимиз туман марказига келиб кетиш учун алоҳида вақт ажратишлари шарт эмас. Жойларда бешта минибанкларимиз фаолият юритмоқда. Жумладан, "С. Жаб-

Фермерлар ҳақида ҳикоялар

Саховат ерда қолмайди

Зиёдулла ака — қишлоқ фарзанди. Унинг суяги далада, меҳнатда қотган. Шу боис ишдан қочмайди, қийинчиликлардан чўчимади. Узоқ йиллар ички ишлар тизимида ишлаб нафақага чиққан бўлса-да, чорва-чилик, қишлоқ хўжалик соҳаларида ҳам яхшигина тажрибага эга. Биладики кучи-ю, юрагида ишга бўлган чанқоқлиги уни тадбиркорлик билан шугулланишга ундади. 1995 йилда «Зафар» фермер хўжалигини ташкил этди. 16 бош қорамол билан фаолият бошлаган фермер хўжалигига Олот туман «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги ҳудудидан 7 гектар экин майдони ажратиб берилди. Бугун фермер ердан унумли фойдаланмоқда.

Экин майдони атрофидаги ариқлар ёқасига 10 минг туп терак, 2 минг туп мевали кўчатлар эҳди. Бугун осмонга буй чўзган ёғочбоп тераклар «Чондир» қишлоғидаги кам таъминланган оилаларга иморат қуришлари учун хомийлик тариқасида берилаяпти. Бу — Зиёдулла аканинг галдаги сажийликларидан бири.

— Серкуёш Ўзбекистонимизда чин дилдан ишлайман, барака топаман деганларга имконини эшикларни очиб — дейди у. — Ҳозирда 64 бош йирик, 30 бош майда шохли моллар парваришланган бўлса, йилига 2,5-3 тонна арзон гўшт маҳсулотларини аҳолига етказиб берамиз. Яқинда Россияда ишлаб чиқарилган 8 соатда 1 тонна сўни қайта ишлаш қуввати эга бўлган суни технология харид қилиб, ишга туширдик. Шу технология ёрдамида ҳозирги пайтда кунига 10 кг. сариёғ, 15 кг. қаймоқ ва 65 кг. атрофида пишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Зиёдулла ака ҳақиқий тадбиркор, саховатпеша инсон, — дея суҳбатга қўшилди туман ҳокими ёрдамчиси Анвар Жумакулов. — «Чондир» қишлоғи аҳолисининг фарзандларига болалар богчаси сифатида икки қаватли биносидан жой ажратилди ҳамда кичкинтойларга 500 минг сўмлик ўйинчоқлар ҳадя қилди. Шу билан бирга тарбиячи опаларга ҳам фермер иш ҳақи тўлашни ўз



зиммасига олган...

Саховат ерда қолмас, деганларидек, бу меҳнат, бу ҳаракатлар исзис кетмайтир, албатта. Зиёдулла ака бир неча йилдан буён вилоят, республика «Ташаббус» кўрик-танловларида фахрли ўринларни эгаллаб келяпти. Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан ҳукуматимизнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани ҳам фермер меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Бир сўз билан айтганда, Зиёдулла Соатов эл ташвишини ўз ташвиши, эл қувончини ўз қувончидан деб биладиган фидойи юртдошларимиздан бири десак муболага бўлмайди.

Шавкат НОСИРОВ «Хуррият» муҳбири.

Камарбасталик

Мамлакатимиз банк тизимида ўз ўрнига эга бўлган акциядорлик тижорат «Пахтабанк» мижозларга янги-янги хизмат турларини тақлиф этмоқда. Эътиборли томони, «Пахтабанк» ихтисослашган молия муассасаси сифатида республикамиз шаҳар ва туманларида бўлимлари фаолиятини кучайтиришга ҳам катта аҳамият бермоқда.



Муҳбиримиз бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида АТ «Пахтабанк»нинг Гиждувон бўлими бошқарувчиси Барака ТОЛИПОВ билан суҳбатлашди.

— Банкларнинг қанчалик кенг камровда фаолият юритаётгани мижозлари сони билан ҳам белгиланса керак?


— Албатта. Бугунги кунда АТ «Пахтабанк» Гиждувон бўлимининг жами мижозлари 2600 дан зиёд. Улардан 685 таси фермер хўжаликларидир. Банкимиз фермер хўжаликларига турли кўри-нишдаги хизматларни тақлиф этган. Имтиёзли кредитлар бериш орқали юртимизда қишлоқ хўжалигининг ривожига имкон қадар ўз хиссамизни қўшишга ҳаракат қилаямиз.

— Биласиз, ҳозир мамлакатимизда пахта мавсуми давом этмоқда. Фермерларнинг қарийб барчаси пахта етиштиришда. Шундай экан, уларга АТ «Пахтабанк» Гиждувон бўлимида қандай хизматлар кўрсатилмоқда?

— Тўғри таъкидладингиз. Ҳар йили шу мавсум фермер хўжаликлариде ишлар қизгин бўлади.

Табиийки, мижозларимиз ишидаги бу жараҳандан биз ҳам четда қолмаймиз.

Халқимиз: «Жўжани кузда санайдилар», деб бежизга айтмайди-да! Деҳқоннинг бир йиллик меҳнати айна пайтда ўз мевасини бермоқда. Етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини нобуд қилмай, йиғиб-териб олиш, бунинг учун теримга кўпроқ одам жалб қилиш бугун ҳар бир фермер хўжалигининг бош мақсадига айланган. Бу йўлда банкимиз ҳам мижозларга камарбаста. Жорий йил пахта ҳосили учун имтиёзли кредитлар олиш дастури ишлаб чиқдик. Ундан 370 дан ортиқ мижозимиз фойдаланмоқда. Ушбу мақсадда фермер хўжаликларига берилган жами маблағ эса 2994392,6 минг сўмни ташкил қилади. Пахта йилги миқдорида қатнашаётган теримчиларнинг пулини пешма-пеш бериб бориш учун фермерларга имконият яратиб беряпмиз. АТ «Пахтабанк» Гиждувон бўлими то-



монидан жорий йилнинг 17-20 сентябрь кунлари 146865,1 минг сўм терим пули сифатида ажратилди. Бу кўрсаткич 21-25 сентябрь кунлари 266508,4 минг сўмни ташкил қилди.

— Ҳамал киргандан то кеч кузгача деҳқон далада меҳнат билан банд бўлади. «Баҳорда бир кун кечиксан», кузда ўн кун кечиксан», деб беркорга айтишмаган. Мана шундай вақти тигиз фермернинг туман марказига келиб кетиши осон эмас. Бу борада мижозларга қандай қулайликлар яратиш кўзда тутилган?

боров», «Оқ олтин» — энг кўп мижозга эга минибанкларимиздан ҳисобланади.

— Фермерларни қўллаб-қувватлаш, мижозларга яратилаётган имкониятлардан, очиги, мамнун бўлдик. Бу соҳада олиб борилаётган ҳаракатлар тўхтаб қолмайди, келгусида фермерлар учун янада кенг қулайликлар яратилади, деган умиддамиз.

Носир ШАВКАТ суҳбатлашди.

Тарих



Улуғ маърифатпарвар зот

XX аср бошларида Туркистоннинг ҳар томонлама мустақиллигини орзу қилган ва бу йўлда тинимсиз кураш олиб борган, Ватан озодлиги учун жонини ҳам қурбон қилган илгор маърифатпарвар астиклолчи Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919) истиқлолимизнинг чинакам фидойиси, кўркмас курашчиси бўлган дейишимиз мумкин.

Махмудхўжа Бехбудий XX аср бошларида ўз ғоявий маслакдош дўстлари Мунаввар қори Абдурашидов, Убайдулла Хўжаев ва бошқалар билан бирга жаҳолат ва қоқоқлик, диний фанатизм ва чор мустамлакачилик зулмига қарши ўлканинг иқтисодий-сиёсий ва маданий тараққиёти учун тинмай кураш олиб борди. Туркистонда миллий мустақил давлатчилик, давлат тили қонунлари, демократик йўл билан ўтказиладиган парламент сайловлари ва бунда ҳамма миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқли эркин иштироки масалаларини шу қадар дадиллик ва инсонпарварлик позицияларидан туриб кўтарганки, беихтиёр Махмудхўжа Бехбудий бугунги мустақиллик кунларимизни ўшандаёқ башорат қилганлиги кишини ҳайратлантиради. Бу жиҳатдан, айниқса, унинг мазкур даврда ёзган "Эҳтиёжи миллат" (1909), "Жамияти хайрия" (1913), "Марказий шўромизга", "Иттифоқ керак", "Баёни ҳақиқат" (1917), "Қозоқ қариндошларимизга очик хат" (1918 йил, январь) каби мақолалари ва 1918 йил августда Тошкентда ўтказилган "Туркистонда давлат лисони" масалалари бўйича чақирилган кенгашдаги нутқлари характерлидир. Масалан, у 1917 йил 12 июнда Тошкентда чиқиб турган "Улуғ Туркистон" газетаси саҳифаларида эълон қилган "Баёни ҳақиқат" номли мақоласида ҳали ўлкада Туркистон мухторияти ғалаба қилмасдан бир неча ой аввал бу хусусда фикр юритиб башорат ва зўр орзу ила шундай деб ёзган эди: "Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизнинг ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан, динимиз-да бунга монедирки, Туркистон яҳудийларининг 1300 саналик ҳоли бунга шохиддир. Биз истаймизки, бутун Русия мусулмонлари мухторияти (федерация) усули юзасидан тириклик қил-

сунлар. Русия мусулмонларининг ҳар бир шўъбаси муҳит жуғрофий ва мамлакатларини ҳудуди тарбияси бўйича айрим бўлақларга бўлиниб, ўз тарафларидан ўз хуррият ва одатларига мувофиқ идора қилинса... Биз истаймизки, Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизнинг парламенти бўлса. Туркистон мусулмонлари ўз шарият ва одатларига, ўз закон ва динларига мувофиқ тириклик қилсунлар... бора-бора тадрижий суратда аскарларимиз бўлсун, ...ул... миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарз майиштини ўзимиз тайин қилурмиз. Мана, бизнинг олдимизда энг катта ишлар турибдир... Такрор арз қилурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак. Вале, бизга на хуррият ва на-да мухторият берилур".

Лекин муваққат ҳукумат ўрнига келган большевиклар бутун Россияда бўлгани каби Туркистондаги демократик ўзгаришлар ва миллий мустақил давлат ҳокимиятини (Туркистон мухториятини) ҳам ағдариб ташлади. Махмудхўжа Бехбудий норозиликларини халқаро ташкилотларга арз қилиш мақсадида 1919 йил бошларида сафарга чиқади. Мартда Бухоро амирилик чегарасидан ўтаётганида қўлга олиниб, Қарши шаҳрида Бухоро амири жалоллари ва большевик айдоқчилари томонидан ваҳшийларча қурбон қилинади. Унинг бу дахшатли ўлими шоғирдлари, маслакдош дўстлари қалбларини ларзага солади. Улар Бехбудийни ўлдирган эзолимларга лаънатлар ёғдириб шеърлар, мақолалар ёзадилар. Жумладан, Садриддин Айний ўзининг "Бехбудий руҳига итҳоф" (шаби хижрон ҳавосига, 1920 йил апрель) марсиyasида бу ҳақда шундай дейди:

"Сенинг кўксунг чўкулганму, санинг белинг букулганму? Санинг қонинг тўкилганму? Мун(нг) ҳеч ким сўролмасму? Бошингни кесдуран қотил,

у бадният, у сангин дил, Худодан гар эса гофил, халойиқдан уялмасму? Ватан авлоди ёд этди, сени хурмат-ла шод этди. Ва лекин интиқомингни ололурму, ололмасму, Жаҳонда зулмдур зоҳир, жаҳон хунхўр, жаҳон жобир, Жаҳондан бир замон охир ситамгарлик йўқолмасму?

Бехбудий номи унинг вафотидан кейин Туркистон (бугунги Ўзбекистон) тарихига ўнмас зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. У Туркистоннинг XX аср бошидаги биринчи маърифатпарвари ва драматурги, истиқлол курашчиси сифатида фахр билан тилга олина бошланди. Жумладан, Бехбудийнинг кичик замондоши Лазиз Азиззода ўзининг "Бехбудий" (1926) мақоласида унинг Туркистоннинг чоризм давридаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий тараққиёти тарихидаги ўрни ва аҳамиятига катта баҳо бериб, ўлкамиз тарихидаги хизматларини француз маърифатпарварлари — Жан Жак Руссо, рус демократлари Чернишевский, Добролюбов, татар ва озарбайжон маърифатпарварлари — Шаҳобиддин Маржоний, Қайюм Носирий, Мирза Фатали Охундов, Нажафбек Вазировлар билан бирга қўйди. Шунинг учун Ўзбекистонда Навоий, Улуғбек каби буюк зотлар билан бирга Бехбудийга ҳам ҳайкал ўрнатиш кераклиги таклифи билан чиқди.

Халқимизнинг бу улуғ фарзанди номи ўтган асрнинг 20-йиллари бошларидаёқ ўлкамизнинг бир қанча шаҳар ва вилоятларида кўчалар, мактаблар, театрларга қўйила бошлади. У ўз замондошлари ва кейинги авлодларининг Туркистон (Ўзбекистон) мустақиллиги йўлидаги курашида ҳамisha маънавий мададкор бўлиб хизмат қилди ва ҳамон хизмат қилиб келмоқда.

Шерали ТУРДИЕВ
Суратдан архивдан олинди.

Фанимиз фидойилари

Илм унинг қаноти

Миллат маънавиятининг юксалишида она тилининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Зеро, тилни ўрганиш орқали халқнинг руҳи, маданияти, тарихи ва миллий хусусиятларини англаш мумкин. Ўзбек тилшунослиги тараққиётида филология фанлари доктори, профессор, чинакам илм фидойиси Мирза Мирзожоннинг ҳам салмоқли хизматлари бор.



У 1927 йил Тошкент шаҳрида туғилди. Ўқувчилик йилларидаёқ ўзининг илмий ўрганиш, ижодий фикрлашга иштиёқи баланд эканлигини кўрсатди. Кейинчалик олий ўқув юртида таҳсил олаётган йилларида А. Фуломов, Т. Салимов, М. Аскарва каби етук тилшуносларнинг назарига тушди. Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган Мирза Мирзожон 1958 йилдан ЎзФА Тил ва адабиёт институти илмий ходими сифатида ишлагани билан дам эгдирди. Ўзининг дастлабки мақолаларидан бошлаб йирик тадқиқотларига — барчасида тилнинг улкан ва бебаҳо маданий бойлиги сифатида сайқал топиши, кадрларини ва авлодларга бир жавахор мисол етказилишига ургу берди. Натيجида таниқли олим З. Маъруфовнинг илмий раҳбарлигида "Ўзбек тилида лексик омонимларнинг таркиб топиши" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олимнинг ўз йўли, ўз қарашлари бўлган тақдирдагина жамоатчилик уни тан олади. Кашфиёт фандидаги асосий мақсад бўлишини ҳис қилганлиги учун ҳам Мирза Мирзожоннинг илмда ўз йўналишини яратишига интилди. Шунинг учун ҳам "Ўзбек тилида сўз кўчма маъноси ва унинг манифестацияси" мавзусидаги докторлик диссертацияси (1990) тилшуносликда янгилик сифатида эътироф этилди. Устознинг салкам 40 йиллик умри Ўзбекистон Миллий уни-верситети билан чамбарчас боғлиқ. Бу қутлуг дар-

гоҳда у фидойи олим, талабчан устоз сифатида шаклланди. Албатта, таълим самарадорлигининг асосий қисми ўқувчининг билими, фанга муҳаббати ва маҳоратига боғлиқ. Мирза Мирзожоннинг устозлик салоҳиятига ҳам ҳавас қилса арзийди: у 27 та номзодлик диссертациясига илмий раҳбарлик қилди. Яна қўллаб шоғирларнинг илмдаги фаолиятига оқ йўл тилади.

Талабаларга таҳсил ва тарбия бериш мураккабликларини, олий таълим машаққатларини энгши билан бирга, кенг қўламада илмий изланишлар олиб борди. Мамлакатимизда "Давлат тили тўғрисида" ги қонун қабул қилинганидан кейин таълим бўғинларида ўзбек тилини ўқитишга эътибор ортди, уни ўрганиш имкониятлари кенгайди. Худди шу даврда фан атамаларини ўзбекчалаштириш ва тарихий топонимларни тиклаш муаммоси кўтарилди. Домланинг бу соҳага оид бир неча йирик мақолаларининг эълон қилиниши масаланинг ижобий ҳал этилишига катта туртки бўлди.

Гўдак туғилганда у ёки бу халққа хос характерга эга бўлмади. У муайян бир миллат вақиллари орасида ўсиб-ўлғайиб, уларга хос бўлган одатлар, руҳият ва дунёқарашни ўзлаштиради. Бу жараёнда ҳар бир миллатнинг феъл-атвори, ўзига хослиги ва миллий руҳияти, маданий-тарихий тажрибаси тил воситасида авлоддан авлодга ўтади. Тилнинг луғат таркибига қараб халқнинг ҳаёти, ўтмиши, маъ-

навий дунёқарашини ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, сўз бойлигини сақлаб қолишда ҳамон илмий изланишлар билан банд. Лингвистика йўналишидаги тадқиқотларини давом эттиряпти. Шунингдек, "Ўзбек тили ва ўзбек тилшунослигининг илдизлари" номли монографияси нашрдан чиқиб арафасида.

Эътиқод инсоннинг ҳаёт йўлини ёритиб, мадад, куч беради. Эътиқодсиз умр ўзлигини йўқотади. Эътиқодли инсонлар кучли қалб эгаси, ор-номусли, ориятдан бўлиб, гуноҳни савобдан, яхшини ёмондан ажрата оладилар. Улар она-Ватанга, миллатга, истиқлол ғоясига, ўз аждодлари руҳига ҳеч вақт хиёнат қилмайдилар. Чинакам эътиқод эгалари ҳар қандай шароитда, ҳар қандай шароитда ва вазиятда ўз иймонига содиқ бўлиб қоладилар. Ўзбек тилшунослигида ўзига хос мактаб яратган захматқаш устоз Мирза Мирзожон ана шундай олий фазилатлар соҳибидир. Муҳтарам домла-мизга узоқ умр, ижодига улкан зафарлар тилаймиз.

Раъно САЙФУЛЛАЕВА,
филология фанлари доктори, профессор.

Наманган вилояти Чортоқ туман

"Улгуржи чакана савдо"


очик акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимизнинг барча

Ички ишлар идоралари ходимларини

25 октябрь — касб байрамлари билан

самимий муборакбод этади.



Эл-юрт осойишталиги йўлидаги шарафли ҳамда гоят масъулиятли вазифангизда сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз!

Бу шундай бўлган эди

Утмиш аждодларнинг ҳикояларига кўра, Фирдавсий "Шоҳнома"ни 40 ёшида бошлаган. Бу милодий 980 йилларга тўғри келади. Унга ўша пайтдаги Тус вилояти...

"Шоҳнома"нинг қалам ҳақи

Абу Дўлаф Эрон шоҳлари сулоласи ривоятларининг мукаммал билимдони эди. Буни Фирдавсийнинг ўзи ҳам миннатдорлик билан эслайди. Абу Дайлам деган шахс эса Фирдавсийга котиблик қиларди. Фирдавсий китобнинг биринчи тахрири қорамасини 994 йилда қўлдан чиқаради.



барҳам тоғди. Орадан ўн йил ўтиб, Султон Маҳмуд Ҳинд итилоосидан қайтиб келаётганда бир буйсунмаган қалъага дуч келади. Қалъага Султон нома жўнатиш учун ёздирди: "Эртасига ҳадиёлар билан ҳузуримизга кел, қабулимизга ноил бўл, хизматимизни қил, инъомлар билан либосимизни кийиб, қайтиб кетасан!"

Муродимга лойиқ бўлмасе жавоб, Мену гурау, майдон Афросиёб.

Султон Маҳмуд: "Кишида мардлик уйғотадиган бу байт кимники?" деб Хожадан сўради. Хожа эса дилидан тугиб юрган асл муддаосини тўкиб солди: "Абулқосим Фирдавсийники, шунча йил ранж тортиди-ю, китобни тугатиб самарасини кўрмади", деди.

Ҳақнага келгач, Султон Хожага: "Фирдавсий учун йигирма минг динор олтин пул ажратишни буюр, менинг туяларимда Тусга олиб бориб топширишин ва менинг номимдан салом айтишин", деди.

Лекин қарвон Рудбор дарвозасидан кириб келганда, Фирдавсийнинг тобутини Разон дарвозасидан олиб чиқишга ётган эди. Шу кун Фирдавсийнинг жаҳадни қабристонга олиб боришда ҳам катта жанжал чиқди. Табаронлик руҳонийлар бошлиги: "Унинг мурдасини мусулмонлар қабристонига қўйдирайман, у рофизий", деб туриб олди.

Султон Маҳмуддан шундай фармон бўлади: "Фирдавсийни ҳақоратлаган руҳоний мамлакатдан чиқариб юборилсин. Фирдавсийга ҳадиё қилинган пулга Нишопур-Марв йўли бошида Работи Чоҳа масжиди қуриш Хожа Абу Бақр Карромийга топширилсин".

Бу фармон тўлиғича амалга оширилади. Фирдавсийнинг қалам ҳақи Работи Чоҳа масжиди қурилади.

Манбалар асосида Шафрат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ тайёрлади.

"Юлдузларга осмон бўлган, эй нурли тупроқ..."

Дарё

Ким шамол, Ким отда учиб елишиб, Пешинми, шом чоғи ва ё эрталаб Шеърят шахрига кириб келишиди. Мен Тўполондарёни келдим етаклаб.

Сехрли бу шаҳар, Гўзал бу шаҳар Ваъда айлар эди жозиб эртақлар. Зангор давозасин очиб бир саҳар, Мен Тўполондарёни кирдим етаклаб.

Бир пайтлар ҳазрати Хизрлар янглиғ Кезган устозларнинг қутлуг макони. Тўтилар юрарди вазираб янглиғ, Мен юрдим етаклаб Тўполондарёни.

Нозик гулоиймлар ташбехлар узиб, Чалғитиб юрарди ўнгу рўёни. Тонги кўчаларнинг сукутин бузиб, Етаклаб келдим мен Тўполондарёни.

Ярим ошқозони йўқ булбул билан Дўст тутиндик кейин тўшаб бўйрони. Мен унга термулдим, У менга дилтанг: Нима қилсак экан Тўполондарёни?

Улуғ уммонларнинг товуш, сасига Дил бериб, ўргандик назимий дунёни. Сўнгра Ёзувчилар уюшмасига Етаклаб келдим мен Тўполондарёни.

Ҳайъат қабулга кирдик сўнг секин, Ҳайъат бизга, биз ҳам ҳайъат хайрони. - Сизни қабул қилдик майлига, лекин Нима қилсак экан Тўполондарёни?

Уйли-жойли бўлди шоирлар қатор, Шеър ахир кўнглининг эрка жайрони. Бизнинг ҳам энди ўз рўзгоримиз бор, Нима қилсак экан Тўполондарёни?

Шеърят, шеърят - Ёддир, фарёд ҳам, Не зотлар дил аро ёш олиб кетди. Мен олиб келганим тошқин дарё ҳам Бир тонг хайрлашмайин бош олиб кетди.

Балки чидолмади ҳасадгўйлару Мен таништирганим дўсту ёрларга. Бир-бирин кўролмай юрган кўзларга Кўнгли қаролар ҳам ичи торларга.

Лойка давралардан ғамларга тўлди, Кетди. Йиллар ўтди. Ўзгарди замон. Бугун Тўполондарё сувомбор бўлди, Мен уни етаклаб юрибман ҳамон.

Аллома билан суҳбат

Фирқ этсанг аста-аста мук тушиб бўйрога ҳам, Аста-аста боргунг охир кўкдаги Зухрога ҳам.

Эй ҳилолнинг сен қулогига азон айтган Замин, Сенга тугро берди кўк, кўрк берди у тугрога ҳам.

Бу тафаккур оламиндир, бу — тасаввур олами, Ҳам тасаввуф, ҳам таассуф, ўхшағай рўёга ҳам.

Бир томондан ястанибдир Ясавий ҳикматлари, Менгзару қарвон ўтар сўнгсиз куюк саҳрога ҳам.

Бир томони Мир Алишердек улуғ уммон эрур, Бир томони ўхшаюр Жайхун мисол дарёга ҳам.

Суҳбат этсанг аста-аста Нажмидин Комил билан, Аста-аста етгунг охир Нажмидин Куброга ҳам.



Мир Темурий қовунлар

"Сайхун суйининг шимоли тарафидаги қасабалар: бир Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар... Умаршайх мирзо мунӣ пойтахт қилиб эди. Сайхун дарёси қўрғонининг остидин оқар... Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундирким "Мир Темурий" дерлар, андоқ қовун маълум эмаским оламда бўлғай".

(Захириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома», саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқеалари).

Мен бахтимдан мудом юрдим илгарӣ, Ўтди яна рамазону йилдари. Димоғимдан ҳаргиз кетмади нари Мир Темурий қовунларнинг хидлари.

Ўз бобомдан ёдгор қолган зироат, Ангармиди бунӣ Хирот, хиндлари. Бу не соғинч эрур, не сир-синоат — Мир Темурий қовунларнинг хидлари?

Гурбат отим жиловини қўйвормай, Байрам қилди дарду ҳасрат итлари. Эсиб турди қай ергағим мен бормай, Мир Темурий қовунларнинг хидлари.

Аччиқ чоғир берди менга давроним, Коса тугди доим хижрон риндлари. Бу дунёда энди ёлғиз армоним — Мир Темурий қовунларнинг хидлари.

Паст кетса чарх, қўрсатса-да минг ўйин, Баланд бўлган султонларнинг диллари. Тарк этмасин сени, ўлғим Хумоюн, Мир Темурий қовунларнинг хидлари.

Салтанат ҳам тутаб битди оҳимдан, Дуо айланг беқлари, сайидлари. То қиёмат анқир энди хоқимдан Мир Темурий қовунларнинг хидлари.

Калла ҳақида ялла

Олам ичра олмас ором калла бу, Бир ажиб қопқоғи бор жом калла бу.

Кўш қулоқ — тупқичлари бордир ажиб, Гоҳи нобог, гоҳи ноком калла бу.

Одамитот миясига ул паноҳ, Гоҳи-гоҳи кетгучи том калла бу.

Айланур чархи фалақдай, даҳр аро Гоҳи пайдо, гоҳи гумном калла бу.

Умр шомиди оқаргай тонг мисол, Умр тонгида қаро шом калла бу.

Кечалар қўйнинг аро ялтираган Тарвуз эрмас, эй дилором, калла бу.

Мошқовқидир пишса мош бирлан қовоқ, Ошқовоғи пишмас ҳеч, хом калла бу.

Сана

Бугун қандай кун?

24 октябрь – Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солинган кун. Бу санада жаҳон тарихида қуйидаги муҳим ҳодисалар рўй берган:

- 1632 йил. Голланд олими, микроскоп ихтирочиси Антони ван Левенгук дунёга келди.
1797 йил. Кучли зилзила оқибатида Перу пойтахти Лима шахри яқсон бўлди.
1804 йил. Немис физиги, телеграф асосчиси Вильгельм Вебер туғилди.
1852 йил. Канаданинг Торонто шаҳрида илк бор биржа иш бошлади.
1857 йил. Кембриж университети битирувчилари Шеффилд шаҳрида дунёдаги биринчи футбол жамоасига асос солишди.
1932 йил. Америкалик Пленни Винго Калифорнидан Истамбулга қадар бўлган 12875 км. лик йўлни босиб ўтди.
1944 йил. Дунёга машҳур "Рено" автомобиль заводи асосчиси Луи Рено вафот этди.
1945 йил. БМТнинг низоми кучга кирди.

- 1960 йил. Янги ракетани синаш чоғидаги портлаш туфайли собиқ Иттифоқ ракета қўшинлари бўлган, маршал Неделин ҳалок бўлди. Космонавтика тарихида энг катта фожиа деб баҳоланган ҳалокат пайтида 90 га яқин киши қурбон бўлган.
1980 йил. «Поэт» савдо кемаси 34 киши билан Филадельфиядан Порт-Саидга равона бўлди ва изсиз гойиб бўлди.
1995 йил. «Def Leppard» гуруҳи бир кун ичида учта қитъада – Марокаш, Англия ва Канадада концерт бериб жаҳон рекордини ўрнатди.
1998 йил. БМТ Хавфсизлик Кенгashi Югославиянинг Косоводан қўшинини олиб чиқиб кетиши тўғрисида 1203 рақамли резолюцияни қабул қилди.

Такдимот

Талабалар ҳаётидан фильм унда ролларни асосан талабалар ижро этишган

Алишер Навоий номидаги киносаройда яна бир янги бадий фильм такдимоти бўлиб ўтди. "Ar Rashid-Davr" хусусий студияси ҳамда "Ўзбектеелефильм" ҳамкорлигида Башорат Омонова қисаси асосида суратга олинган киноасар "Севги хатолари" деб номланади.

Фильм режиссёри — "Мехробдан чаён"даги Анвар роли орқали кўпчиликка таниш актёр Исамат Эргашевнинг ўзи ҳам мелодрамада домла ролини ўйнаган. Бундан ташқари, Боир Холмирзаев, Марям Ихтиёрова, Хосият Ҳусанова, Фарҳод Худойбердиевлар яна бир бор ўз профессионал маҳоратларини намойиш қилишган.

Мелодрама бош қаҳрамони — Вақил исмли талабанинг билими, одоби, қолаверса, спортда эришган ютуқлари атрофдаги ҳақиқатларда гоҳ ҳавас, гоҳ ҳасад уйғотади. Гарчи етим ўсган бўлса-да, бахти ҳам тўқис: Насима исмли курсдоши билан тақдирини боғлаган. Талабалик интилишлар, изланишлар, адабиётлари йўқотишларга ва, албатта, бахтли дамларга бой бўлади. Кимнингдир ўз бахтини қидириши бошқа бировнинг бахтига раҳна солиши, бу йўлда ёлғон ҳам, риёв ҳам ишлатилиши мумкин. Шундай қилиб, Вақил ва Насималарнинг оёсийишта, бахтли кунлари ортда қолади. Ҳаммингиз назарида эсли-хушли кўринган йигит бошқа бировга уйланишга мажбур бўлади... Лекин, албатта, интихо адашганларнинг афсусу надомати, қаҳрамонларнинг муродо максадга етишларидан иборат. Хуллас, "Севги хатолари" бадий фильми аънавий мавзудаги янги кино. Унинг қанчалик муваффақиятли чиққани эса томошабинларга ҳавола.

Фаррух ЖАББОРОВ

Фикр

Вақтни бой бераётганда хуноб бўлган одам энг доно одамдир. ДАНТЕ

Бош муҳаррир

вазифасини бажарувчи: Абдурашул ЖУМАҚУЛ

Тахрир хайъати:

- Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шераод ҒУЛОМОВ

Тахририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел-факс: 136-53-38. Тел: 136-53-31, 136-75-15

Реклама ва маркетинг бўлими: 136-56-38

Вилоят мухбирлари:

- Бухоро — 8-365-715-30-57
Навоий — 8-436-321-28-77
Наманган — 8-369-412-31-54
Самарқанд — 8-366-233-62-12

«Янгисидан бор»

Хотин эридан сўради: — Кеча қаерда эдингиз? — Тухмат! Ким айтди сенга?

жойига обориб қўйлади-ку!

оковси» деганман!

— Жонгизам! Бугун мен бир ақойиб туш кўрдим. Тўшимда мен сўққабаш эмашман, сендан менга турмушга чиқишингни сўрадимман...

— Намунча бундан шунчалар суоялсан?

— Икки ойдан буён қанақа машина сотиб олишни ҳал қилолма-япсиз. Ваҳоланки, танишганимизнинг учинчи кунгидеки турмушга чиқишини сўрагансиз.

— Сен менга рад жавобни берганимсан-да!

Газетада жарроҳнинг бемор қорнида қўлқопини унутиб қолдиргани учун яна қайта операция қилишга мажбур бўлгани ҳақидаги хабарни ўқиган аёл кўнисиға деди:

— Ахир машина сотиб олиш жиддий масала-да!

— Тавба, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Худди шундай воқеа раҳматли эримни операция қилишганда ҳам бўлиб ўтганди. Ушунда мен жарроҳга юз сўм бериб, «Мана шу пулга янги қўлқоп сотиб ола қолинг,

— Тавба, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Худди шундай воқеа раҳматли эримни операция қилишганда ҳам бўлиб ўтганди. Ушунда мен жарроҳга юз сўм бериб, «Мана шу пулга янги қўлқоп сотиб ола қолинг,

Судья гувоҳ аёлдан сўради: — Ҳўш, оилавий аҳволингиз қандай? Аёл чуқур хўрсинди. — Тушунарли, демек, турмушга чиқмагансиз... Судья гувоҳ эрақадан сўради: — Сизнинг оилавий аҳволингиз қандай? Эрақак ҳам чуқур хўрсинди. — Тушунарли, — деди судья, — демек, уйлангансиз... Шодмон БЕК